

1991 йил 1 сентябрдан
чиқа бошлаган

Жамият

ОТАНИНГ ҚУТАҒУФ ЁДИ

Бувайда туманининг Кўнғирот қишлоғидаги бу оилада падари бузруквор-Раҳмонали Йигиталиевнинг номи-хотираси ҳамisha эъзозда. Улар ўзлари учун азиз бўлган инсоннинг яхши ишларини, яхши сўзларини ҳар куни, ҳар лаҳза ҳурмат билан эслашади, унга муносиб бўлишга интилишади.

“РАҲМАТЛИК ЧОЛИМ АЙТГАНИДЕК...”



- Бир куни... почтачи ўғлим нафақаларни тарқатиб юрибди, - дейди саксон ёшни қоралаб бораётган Саддинисо буви. - Қарасам, менинг нафақам ўзимга нисбатан ёшроқларнинг нафақасидан кам. Эртасига эрталабдан нафақа ёзадиган идорага бордим. “Уруш йилларида лавлаги экиб пахталик кийимлар тикиб фронтга жўнатганларимиз ҳисобга олинмайдими? Нега менинг пенсия пулим кам?” - деб сўрадим. Ходимлар дарров менинг қроғозларимни кўтаришди, қарашди. “Бувижон, уруш йилларида ишлаганингиз ҳақида бизда маълумотнома йўқ экан, агар икки кишининг гувоҳлиги билан ана шун-

ИСМИНГ - МУНАВВАРХОН ДЕРДИЛАР, ДАДАМ



- Болалик пайтимизда ўртоқларим мени чақриб келишса, дадам шунга яям эътибор берадидилар, - деб эслайди Мунаввархон. - Кимдир исмиمنى чалароқ айтса, дадам “Мунаввархон денг” - деб тўғрилай қўядилар.

дай ҳужжат олиб келсангиз, нафақангизни қайта кўриб чиқамиз”, - дейишди. Мендан бекорчи одам борми? Фарзандларим, худога шуқр, тиниб-тинчиган. Келиним битта рўмолчаниям ювдирмайди менга. Лекин раҳматлик чолим айтганидек, **ҳар ким ўз кадрини аввало ўзи билиши керак**. Маҳалламдаги кексаларга шундай-шундай, - деб гапирганим: “Ие, бўлмасам-чи, ўша қийинчилик йилларида кечасию кундузи ишлаганингизга биз гувоҳимиз”, - деб хатга тушириб беришди, топширдим. Мана, ўшандан буён оладиган нафақам яна ҳам баракали бўлиб қолди.

Отам бир умр далада агроном бўлиб ишладилар-у, бизга эртақлар, бадий китоблар қаҳрамонлари мисолида тарбия бердилар. Баъзан битта эртақни уч кунлаб айтардилар. Биз ҳар куни оқшомда дадамдан эртақ эшитиш илинжида ўз юмушларимизни катталарга ёқадиган қилиб бажаришга уринардик. Достонларни куйга солиб айтиб берадилар. Қандай янги китоб чиқса, сотиб олиб келардилар, аввал ўзлари, кейин биз, ундан сўнг кўни-қўшнилар ўқишарди. Дадам, **умрни энг яхши ишларга, элни рози қилишга сарфлаш керак**, дердилар.

Мунаввархон 23 йилдан буён бошланғич синфларга муаллимлик қилиб, Бувайда туманидаги 39-мактабда ишлайди. - Мен ўқувчиларим билан келишиб олам, улар дарс пайтида синфдошларининг нотўғри жавобларидан кулмайдилар, ҳар хил лўқмалар ташламайдилар. Шундагина ҳар бир бола ўз фикрини тортинмай айтишга ўрганади... Дадам бизга шундай муносабатда бўлардилар, - дейди Мунаввархон.

“ОТАМ ДИПЛОМСИЗ ОЛИМ ЭДИЛАР”

Оиланинг катта фарзанди Моҳинисо, Йўлдошали Дориповга турмушга чиқшидан аввал совчилар Моҳинисони ўқитишга ваъда беришганди. Лекин келинчак кўрдик, янги оиласига унинг ўқишидан кўра ҳам моддий ёрдами керак экан. 1970 йилдан 1983 йилгача далага чиқиб ишлади, пахта экишди, курт боқибди. Лекин бу йиллар давомида ҳар йили албатта мактаб дарсликларини ўқиб, такрорлаб турди.



Ниҳоят, 1983 йилда Кўқон педагогика институтининг сиртки бўлимига талаба бўлди. Ушанда тўртинчи фарзандига ҳомилалор эди.

Моҳинисога ҳам отасининг ибрати - билимга, китобларга меҳр-муҳаббат, зиё чашмасини ёшларга улашиш истаги қувват бўлди. Тақдирнинг ҳамма имтиҳонларига дадил кириб борди... Турмуш ўртоғи Йўлдошали Дорипов кутилмаган ноҳақликни кўтаролмай бир кечада Моҳинисонинг зиммасига ҳам оталик, ҳам оналик масъулиятини юклаб кетди. - Дадамнинг дипломлари бўлмаса-да, халқ достонлари бўйича олим эдилар. “Минг бир кеча”нинг ҳамма жилдларини, Маҳтумқули, Миртемирнинг шеърларини биринчи марта уйимизда, болалигимда ўқиганман. Отам бизга: **“Умр бўйи ўз фазилатларинг, имкониятларингни кашф қилиб яша”**, - деб ўргатганлар. Ижодкор ўқитувчи Моҳинисо Дорипова бугун Республика Таълим маркази она тили илмий методик кенгашининг аъзоси.

Муҳтарама УЛУФ

Тошкентдаги “Ўзбекистон” спорт мажмуасида 30 сентябр ва 1 октябр кунлари Бадий гимнастика бўйича “Шарқ гўзали - 2004” жаҳон кубоги босқичи мусобақалари бўлиб ўтди. Дунёнинг 12 мамлакатидан келган 29 спортчи ноёб иқтидорларини намойиш этдилар. Расмий беллашувлардан олдин гимнасти-

ГЎЗАЛЛАР-ГЎЗАЛИ КАЧИЛАР САРАЛАНДИ

норасмий мусобақа ҳам ўтказилди. Бадий гимнастика маликалари учта асосий мезон - мураккаб техника, артистизм ва ижро техникаси бўйича беллашдилар. Жаҳон кубогининг Олтин медали спорт юлдузи Алина Кабаевага насиб этди. Козогистонлик Алиа Юсупова мусобақанинг кумуш, россиялик Ольга Капранова эса бронза медални кўлга киритишди. Ўзбекистонлик Олеся Ашаева 5 ўринни олган бўлса-да, тўп билан иккинчи ва булага билан учинчи ўринларни эгаллади.

- Қувонарлиси мусобақа жараёнидаги ажойиб муҳит кишларга завқ бағишлади. Кубок мусобақалари Тошкентда илк бор ўтказилаётган бўлса-да, Ўзбекистонда спортга, хусусан, бадий гимнастикага катта эътибор қаратилмоқда. Бу кўҳна ва навақирон юртдан кўплаб жаҳон ва олимпиада чемпионлари чиқишига чин дилдан ишонаман. - деди Халқаро спорт гимнастика федерациясининг бадий гимнастика бўйича техник кўмита президенти Эгле Абрүццини ўз сўзида Ўзбекистон бадий гимнастика федерацияси президенти Л.Каримова “Шарқ гўзали - 2004” жаҳон кубоги босқичи ёпилганини эълон қилгандан сўнг, турнир голиблари ва иштирокчиларининг кўргазмалли чиқишлари бўлиб ўтди.

Мазкур тантананда Бош вазир ўринбосарлари А. Азизхўжаев, С.Иномова иштирок этди.

Ўз мухбиримиз

ИЛАМГА БАХШИДА

ҲАММА ҲАМ

“Муаллим - миллат тарбиячиси”, - дейдилар. Шоир, таржимон Шоислом Шомухаммедов ҳам устозлар устози даражасига етган инсондир.

Шоислом ака ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ Абулқосим Фирдавсий, Ираж Мирзо, Мирзо Беҳид, Муслиҳиддин Саъдий каби мумтоз шоирлар ҳақида илмий-оммабоп мақолалар ёзди. Устознинг “Форс-тожик адабиёти классиклари ижодида гуманизм” номли китоби, буюк Шарқ мутафаккирлари ижодидан қилган таржималари ўзбек халқининг маънавий дунёсига катта хазина бўлиб қўшилди.

Домла тарихимизнинг қийин даврларида ҳам маънавий қадриятларимизни тадқиқ қилишдан чарчамади. 80 дан ортиқ китоб ва монографиялар ёзди, юзлаб мақолалар, таржималар чоп эттирди.



Ҳаммуаллифликда чоп бўлган уч жилдлик “Шоҳнома” асари таржимаси устознинг ўзбек таржимончилигига қўшган улкан ҳиссаси бўлди. 1974 йил Ш.Шомухаммедов Фирдавсий номидаги халқаро мукофотга сазовор

бўлди. Шоислом аканинг мактабида вояга етган шарқшунослар бугун янги очилган Ислон университетининг асосий бўғинини ташкил қилади.

Бугун 82 ёшни қоралаган филология фанлари доктори, профессор, «Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Шоислом ака Хаётхон опа билан кексалик гаштини суришмоқда. Ўғил-қизлар, набира-абиралар камолидан масрур домла билан суҳбатлашдик.

- Отам фронтда ҳалок бўлганда 6 ёшда эдим. У киши оймамга: “Болаларни ўқитгин, замон ўқиганники бўлади”, - деган экан. Отамнинг васиятлари менга мерос қолди. Укам фронтда ҳалок бўлди. Синглимни Ленинграддаги алоқа институтида ўқитдим. Ишлаб қўлимдан келган ёрдамимни азмадим, рус тилини ўргатдим. Қийнашларим бекор кетмади. Синглим оддий алоқачилиқдан вазир муовини вазифасигача кўтарилди ва нафақага чиққунча ўша ерда ишлади.


Ўғлим Алишержон филология фанлари номзоди, доцент, шеърлар ёзди, яхшигина хаттот, рассом ҳам. Қизим Саодатхон фалсафа фанлари номзоди. 8 набирамнинг кўпчилиги шарқшунос, ҳуқуқшунос...

- Баъзилар ишонмас, улардан бирор марта, ножиоз сўз ёки қаттиқ гап эшитмаганман, - дейди домланинг рафиқалари Хаётхон опа. - Жуда “қўллари очик” инсон. Ҳар қандай ишни устачилик дейсизми, сувоқчиликми ўзлари қилиб кетаверардилар. Уйга келган ҳар бир мебел Шоислом аканинг қўлларидан албатта бирсира “ўтмас” бўлмайди. Хатто устачилик асбобларининг ҳар бирдан 2 тадан олиб қўйганлар. Бу фазилатлари ўғлим Алишержонга ҳам ўтган.

Домла, - “Билим, ҳалоллик ва меҳнат - ҳаётнинг ўзаги”, деб биладилар. Шоислом Шомухаммедов ўз умр йўллари давомида бу ҳаётий қоида-ни ҳамisha исботлаб келмоқдалар.

Гулшумор ТҮЙЧИЕВА,
филология фанлари номзоди.

Оиламиз меҳмони



Нажмиддин КОМИЛОВ—Филология фанлари доктори, тасаввуфшунос олим, профессор “Дўстлик кўприклари”, “Бу қадимий санъат”, “Ибн Сино ва Данте”, “Нажмиддин Кубро”, “Комил инсон ҳақида тўрт рисола”, “Тафаккур қарвонлари”, “Тасавуф 1- китоб”, “Тасавуф 2- китоб”, “Комил инсон миллат келажиги” номли қатор китоблар муаллифи.

йўларини яхши билишарди. Негалигини билмайману, 2-3-синфда ўқиб юрган пайтларимда, мен ҳеч кимга салом бермасдим. Мўйсафид кўшнимиз бўларди, шу киши ҳеч нарса демасдан менга фақат “Ассалому алайкум” дерди. Уялганимдан дарров салом берардим. Шу таъсир қилдими, ҳамма билан саломлашадиган бўлдим.

Ота-онангиз сизларни уришганда қандай жазочораларини қўллар эди?

— Онам гоҳида айтган юмушларини бажармасам “сеннинг миянг ҳеч нарсага арзимади” деб танбеҳ берарди. Урушга кетган акамнинг алами бўлса керак-да, “мана акам бирор нарсани бир марта айтсам дарров ёдлаб оларди. Илми дарэ эди. Сен унинг олдида ирмоқчаллик ҳам эмассан”,- дерди. Мен сезардим онам акамнинг доғида қурди. Акам ҳам иқтидори баланд, китобхон, саводли бўлган. Уйинни яхши қўрардим. Қишлоқ болаларига хос хусусият бу. Тенгқўларим билан мол боқишга чиқиб, ўйинга берилиб, моллар қаровсиз қолиб қолхоз дала-

си бирламчи аҳамиятга эга.

Домла, ҳозирги ота-оналарнинг бола тарбиялашида Сизга нималар маъқул? Нималар номаъқул?

— Ҳозирги ота-оналар тарбиясининг маъқул томони, ўз фарзандларим, келин-куёвларимни кузатиб айтадиган бўлсам, боласини аниқ мақсадни қўлаб, масалан, мусиқа мактабига, спорт мактабига, чет тилига ўқитаётганларидир. Замон шуни талаб қилмоқда. Комил инсон бўлиш учун албатта, ҳам билимли, ҳам соғлом, кўп тилни билиш ва етуқлик талаб этилади. Тўғри, болани гармоник тарбиялаш, яъни, муайян дастур режа асосида тарбиялаб, унинг юриш-туришидан доимий хабардор бўлиб туриш самарали, бироқ, ҳадеб уни қилма, буни қил, деб аралашавериш, бўлар бўлмасга назорат қилавериш ҳам бирёкламаликка олиб келади. Боланинг иродасини сўндиради. Агар унинг иродаси ота-онанинг иродасига боғланиб қолса, улғайгандан кейин ўзидаги мустақиллиқни йўқотиб қўйиши мумкин. Албатта тарбия дастлаб оиладаги маънавий соғломликка, ота-онанинг аҳиллигига, ўқимшиллигига боғлиқ. Ота-она бир-бири билан жанжаллашмаса, болалар ҳам шунга қараб ўсади. Агар борди-ю уларнинг ўзида камчиликлар бўлса, бу боланинг тарбиясига салбий таъсир қилади. Болада “хаёт шу эканда”, деган тасаввур пайдо бўлади ва натижада унинг ўзи ҳам жанжалкаш бўлиб етишиши мумкин. Бола кўпроқ қўрганидан ибрат олади. “Қуш уясиди қўрганини қиладди” деган мақол бежиз айтилмаган. Хуллас оиладаги соғлом муҳитнинг, соғлом инсонни тарбиялашга таъсири катта.

қандай жараёнида ўзбекчилигимизни унутмасак, ютуқ бизники.

Шундай ўғил-қизлар кўпаяётидими?

— Назаримда замон тарбияга ўз ҳукмини ўтказди. Биз унинг олдини бутунлай тўсолмаймиз. Лекин бутунлай ўз холига ташлаб қўйсақ ҳам бўлмайди. Айниқса бунинг шаҳарларда ўсган болаларга таъсири катта. Шаҳар қадимдан маданият ўчоғи бўлиб келган ва қишлоқни ўз орқасидан эргаштирган. Бу табиий ҳол. Ҳозир шаҳарларда “европача” тарбияланган ўғил-қизлар кўпайиб бораётганлиги мени ташвишлантиради.

Ёш ота-оналарга бола тарбиясига оид қандай маслаҳатларингиз бор?

— Ўз хаёт тажрибадан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, келинларимдан бири болани бешикисиз тарбиялаш маъқул деса, иккинчиси бешик яшши дейди. Ҳаётда бешик бола организмга салбий таъсир қиладди, дегувчилар талайгина, бу “европача” тарбиянинг таъсири албатта. Бешикни маъқулловчилар кўпчилиқни ташкил қиладди. Лекин илмда ёки бошқа бирор жойда, бешикнинг зарари ҳақида ҳеч нарсга дейилмаган. Демак урф-одат ва аънаналаримизга муносабат ижобий бўла туриб, одам бешикни инкор этса, қўрпачани ҳам инкор этади, қўрпачани инкор этса, сандиқни ҳам инкор этади, сандиқни ҳам инкор этса, миллий қадриятларимизни инкор этади.

Домла сизнингча, бугунги кунда 20 ёшга кирган ўғил-қизларда қандай сифатлар кўп учраётми?

— Бешикни, қўрпачани, атласни эъзозласа, дуторни уйига осиб қўйишни одат қилса, билинги бундай одамнинг ўзбекчиликка меҳри, миллий тарбияси бор. Миллийлик ҳақида кўп гапирамайзу, лекин борган сари уни йўқотаётганимизни ўзимиз сезмаймиз. Ҳозир болаларимиз миллий кийим кийишгаптими? Мен шаҳар болаларини назарда тутаяман. Киймаймиз, ҳатто уйда ҳам чопон ёки оқ яктак киймаймиз. Унда қандай қилиб миллийлик юксалди? Маҳмат-Манди Ганди бутун Ҳиндистонни миллий кийим кийдириб озодликка олиб чиққан. Кейиниш ҳам миллийликнинг муҳим белгиларидан экан-да. Миллий кийимни фақат сахнада эмас, кўча кўйда ҳам кийиб юриш мақсадга мувофиқ. Нима учун ўзбекона дўппини, атласни ёки нимчани чиройли қилиб кўчада кийишмайди? Нима учун хитойлар, японлар, ҳиндлар ўз миллий кийимини кийишадими-ю, ўғилларимиз дўппи, қизларимиз эса атлас кийишни расм қилишмайди. Атлас кўрпачаларда ўтирмайди. Ана шулар одамни ўйлантиради.

Ўзбек чет элга борса, кимсан деса, “ўзбекман” дейди. Ўзбеклигини қаердан билади, нимада кўради? Миллийлик, аввало одамнинг менталитетига, юриштиришида қўрилади. ШУ жиҳатдан миллийликка эътибор берайлик. Илгари Самарқанд-Қашқадарёда келин оқ европача кийим кийиб келин, қуёлар қора костюм-шим кийиб куёв бўлишмаган-ку. Бу иллатларнинг ҳаммаси болаларимизга таъсир қиладди. Кўпроқ “европалаш” сифатлари учради.

Айни вақтда ёшларимиз кўпала тил билиши, техникага қизиқиши, иқтисодда биздан кўра чуқурроқ фикрлаши қувонarli ҳол, албатта.

Мароқли сўхбатингиз учун раҳмат. Азиза МУХСИЕВА, аспирант.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ЭРКИН ВА ЖАСОРАТЛИ БЎЛИШСИН

— Домла, йирик тасаввуфшунос олим сифатида ҳаётингиз ёшлар учун ибратлидир. Ўзингиз ўсиб-ўлғайган оила, ота-онангиз ҳақида сўзлаб берсангиз?

— Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида оддий меҳнаткаш оиласида тулганман. Тоғам, амакиларим Бухоро, Самарқанд мадрасаларида таҳсил олишган. Шу боис, бизнинг оилада диний билимларни ўрганган маърифатли кишилар тез-тез тўпланиб сўхбатлар қилишарди. Йигинларда қатнашардим. Отам саводи бўлмаса-да, кўп ҳадис ва оятларни оғзаки ёд биларди. Кўй боқишни ёқтариди. Қўйларни семиртириб, сўйиб қаришдош-уруғларимизга улашарди. Онам билан бирор марта сенуменга борганларини эслолмайман. Онам жаҳли чиққанда гапирарардилар, отам жим туриб эшитиб, индамасдан ўз ишига кетаверарди. Менимча, бир-бирини тушунишган бўлса керак.

Онам саводли, китобхон эди. Ўзи шеър ёзар ва шеърларини хирғойли қилиб юрарди. Маърифатли, зиёли одамларни ҳурмат қиларди. Бизнинг ҳам ўқимшили бўлишимизни жуда хоҳлардилар.

Айтингчи сизнинг тарбиянгизда қимнинг ҳиссаси кўп бўлган?

— Бизнинг тарбиямизда онамнинг хизматлари катта бўлган. Отам уруш даври қийинчиликлари тўғриси, рўзгорни тебатиш учун, бошқа қишлоқларга бориб мардикорлик қиларди. Онам бизга кўп гам-хўрлик қилган. Дастлаб харф танишимда, “Ҳафтияк”, “Чор китоб”, Навоий, Ҳофизнинг китобларини ўқиб ўрганишимда онам биринчи муаллимим бўлганлар.

Отам бизларга кам танбеҳ берарди. Онамдан кўп танбеҳ эшитардик. Қишлоғимиз оқсоқоллари айниқса тарбия-

ларини пайхон қиларди. Кейин менинг ўрнимга отам гап эшитарди. Лекин бирор марта урмасди.

Тарбия давомида жазо чоралари турли хил бўларди. Баъзан шунчаки танбеҳ беришарди. Баъзан хивич ортиб қувлашарди. Гоҳида отам, онам ўлга олиб муҳокама қилишарди. Лекин овқат ёки нон бермасдан жазолаш бизнинг оиламизда қўлланилмасди.

Ёшлгимда бир камчилигим бор эди. Кўпчиликнинг олдида гапира олмасдим. Мактабда яхши ўқирдим-у, нимагадир ўртага чиқиб гапиришга қийналардим. 6 ёки 7-синфда ўқисам керак, мактабимизда ашула байрами бўлди. Дастур бўйича мен Гафур Фуломнинг “Яшасин тинчлик” шеърини айтишим керак эди. Байрам бошланиб, шеърлар, ашулалар айитди. Мени эълон қилишганда қочиб кетганман. Шеър айтилмасдан қолиб кетган (қулади). Бу хислат кейинчалик йўқолиб кетди.

Сизнингча оилада бола тарбиясига қим кўпроқ масъул бўлиши керак? Отами ёки онами?

— Бола тарбиясида ота-онанинг ҳар иккаласининг ҳам таъсири катта. Оилада онага жуда кўп нарса боғлиқ. Ота тарбия жараёнида иштирок этмаса-да, унинг ўрнини, таъсирини сездириб туриш онага боғлиқ. Отанинг болаларни ҳадеб урушди туришидан кўра, ҳеч нарса демасдан, салобатли сукути, тарбия воситасида ижобий натижа беради. Отанинг ижобий юриш-туриши, меҳнаткашлиги, меҳрибонлиги ва керак бўлганда қаттиққўлиги тарбияда муҳим ўрин тутади. Аниқ назорат маъносида оналарнинг тарбия-

Яна муҳим бир масала бор. Биз бутун дунё билан алоқа боғлаганмиз. Фарзандларимиз чет элларга бориб ўқиб келишмоқда ва ҳоказо. Бу яхши албатта. Лекин ҳозир бир муаммо—чет элнинг турмуш тарзига маҳлиёлик бор. Баъзи оилаларда мазкур ҳолат ўзбекона ҳаётдан, ўзбекона миллийликдан муайян даражада чекинишга олиб келиши мумкин. Шундан эҳтиёт бўлиш зарур. Ҳозирги кунда фарзандларимизнинг кўпи русча мактабларда ўқиши сир эмас. Бир қисм болаларимизга эса, чет элдан келган мутахассислар инглиз тилида дарс беришмоқда. Буни фақат қўлаб-қувватлаш лозим. Бироқ болаларимизни “европалаш”дан асрашимиз керак. Токи улар ўрганган Европа илму-маърифати, ўқиш жараёнида ўзбекона маънавият билан қўшилиб кетсин. Ана шунда фарзандларимиз ўз халқининг тарихини, урф-одатларини унутмайди. Ўзининг дину иймонини йўқотмайди. Мазкур вазифани энг қийин ва муҳим деб ҳисоблайман.

Ҳозир миллатимизга қандай ўғил-қизлар керак, деб ҳисоблайсиз?

— Мени, ўз фикрини эркин айта оладиган, ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, демократия нима, озодлик нима, яхши яшаш йўлини, иқтисодни кўтаришни ва қандай қилиб пул топишни биладиган ёшларнинг кўпаяётганлиги ҳурсанд қиладди. Ҳозирги 17-18 ёшли ёшларимиз ақл-фаросати, ҳаётнинг пасту баландини яхши англашлиги билан биздан илгарилар бораётгани, бу ижобий ҳодиса. Бундай ўғил-қизларимизнинг кўпайгани яхши. Миллатимизнинг келажаги ҳам шулар. Тарбиянинг ҳар

Алпхўри қишлоғилик Холбиби ая Мухаммедова нафакага чиққунга қадар Алишер Навоий номли ширкат ҳўжалигида сут соғувчи бўлиб ишлаган. Қарийб йигирма беш йил сут соғувчи бўлиб ишладим, - дейди ая. Раҳматли турмуш ўртоғим Ҳошим Мухаммедов ҳам жамоа ҳўжалигимизда йигирма саккиз йил чўпон бўлиб ишлаган. “Эр-хотин қўш ҳўжиз”, деганларидек ҳалол меҳнати- миз орқасидан рўзгор тебратдик. Фарзандларимизни вояга етказиб, эл-юрт қорига ярайдиган қилиб тарбияладик.

Холбиби ая билан оилавий ажраллишар, фарзандлар тарбияси, қайнона-келин муносабатлари ҳақида сўхбатлашдик.

— Икки ўғилдан сўнг бошқа фарзандим. Турмуш ўртоғимнинг тенгқўрларининг беш-олтитадан болалари бор эди. Хўжайинимга уйланишлари учун рухсат бердим. “Ҳали сиз яна фарзанд кўришингиз керак”,- дедим. У киши аччиқланиб мени қаттиқ уришди. Ҳозир арзимаган сабаб-

ларга қўра ажралишадиган оилаларга ачинаман. Норасидаларни тирик етим қилишдек гуноҳи азимдан қўрқиммага- нига хайрон бўламан. Ху- дога шукур, икки нафар

БАХТГА МЕҲНАТ БИЛАН ЭРИШАМ

ўғлим ўларидан кўпайиши. Ая фарзандлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Чунки тўнғич ўғли Холмажат зоотехник, кичиги Бозоржон Навоий шаҳар ички ишлар бўлими



бошлигининг ўринбосари, полковник. Келини Мархабо “Наво-

ийазот” соғломлаштириш мас- канида ишлайди. Уч нафар на- бира, бир нафар абиранинг меҳрибон бувижониси Холби- би ая бувилик бахтидан сар- хуш. Ҳар йили 2-3 та гилам тўкиб, уларга илинади.

— Худого шукур бахтга меҳнат билан эришдик, - дейди Холбиби ая. Олтимши беш ёшни қарши- лаётган Холбиби ая Мухаме- дова ўтган умридан, фарзандла- ри қамолдан беҳад мамнун. Шукроналик айтиб чарчамайди. **Шодиғул ХУСЕНОВА, Навоий вилояти.**

ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН

ГУЛЗОР ИЧРА

*Гул гулга пайванд бўлди,
Мен кўрган гулзор ичра.
Хар ким ўз насибасин,
Тергай бу бозор ичра.*

*Заминга нур ёғилди
Осмону фалаклардин,
Хуш тонгага етиб келди
Бу оқшом озор ичра.*

*Кўзларда балқсин ҳавас,
Ҳасадни от ўларга,
Сўнг танинг нурга ботиб,
Қолмагай ғубор ичра.*

*Юр, чиқайлик қирларга,
Кутар бизни кўкламой.
Кўнглим ҳам очилмишдир
Бу сўлим баҳор ичра.
Гул гулга пайванд бўлди,
Мен кўрган гулзор ичра.*

ЙЎЛИНГДА

*Хижронинг қийнайди париваши,
Не ўйга толгайман йўлингда.
Сен асло Лайлодек эмассан,
Мажнундек қолайман йўлингда.
Чорлайди ўзга ёр овуши,
Ороминг бузмайсан, бепарво,
Соғинчлар тирнайди бағримни,
Дод-фарёд солгайман йўлингда.
Маширабдек оламини кезарман,
Ўзимга ёр истаб жаҳондин.
Азобда қолса ҳам бу жоним,
Наволар тинглайман йўлингда.
Истайман унутмоқ дамларин,
Лек, тандин кетмагай жароҳат.
Кўнглимдан ўзгаси ёр эмас,
Беозор ўлгайман йўлингда.*

Ашуралӣ БОЙМУРОДОВ,
Тошкент вилояти.



ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

*Яшил кўйлак кийган боғлар сўзлайди,
Шодлигидан бодраб кетар бу кеча.
Қалдирғочлар кўнар жойин излайди,
Сайроғида куйланади бир ашбор:
"Ўй ичига жаҳон қурай, жаҳон-эй,
Бир кўнглига макон қурай, макон-эй."*

*Будейзорлар шовуллайти шамолда,
Нола қилар соҳродаги саксовул.
Бир сўз бордир учи тугуқ рўмолда,
Ечиб юбор, эй, борингни жон кўнгли!
Ватан дейди шарқираган сойлар ҳам,
Ўз номини айтар қадим жойлар ҳам.*

*Ховучингда ҳосил чўеи қуюқроқ,
Юрт кўксига олтин сочар далалар.
Шу ватаннинг кузидан ҳам буюқроқ
Кўйиш йўқдир, йўқдир шодон яллалар.
Неки бўлса, ўзгартирмай сўзингни,
Мен борингча куйлагайман ўзингни.*

*Табиатда авжга чиқар сокинлик,
Ажиб сеҳр бордир қишинг ишида.
Гўё замин оқ кўрпасин ёпиниб,
Баҳорларин кўрар экан тушида.
Тушида ҳам кўйиш айтар Ватанга,
Бор меҳрини кўйиб айтар Ватанга!*

ХИЁНАТКОР ТУН

*Тушунгандай эдим тушимда сени,
Уйғотиб юборди юрагим чўчиб.
Қайси боғдан сени излайин энди,
Хиёнат боғига кетдингми учиб.*

*Ҳаво намчил эди, занг эди ҳаво,
Кенг хона тинжида ёмон сиқилдим.
Тирқидан мўралаб ўтди Оймомо —
Қонимда исмигини илк бор ҳис қилдим.*

*Ҳис қилдим ўзимнинг ёлғизлигимни,
Туннинг қаро тўғи оғирдан оғир.
Мен кимдан алдандим, алдандим қилип,
Хаёлни дўст қилдим ўзимга охир.*

*Хаёл - ярадор қуи - нажоткор сингли,
Дилмини овутиб, йиғлашай торни
Ва кафтини кўйиб кафтимга енгил,
Дераза ёнига етаклаб борди.*

*Йиқилди деворга суянган сурат...
Тонгда мен - ўзгача, руҳларим майин.
Хиёнат қилишни менга ҳам ўргат,
Мен ҳам ўзга ёрни севиб қолайин.*

*Кўз ёшим исмингни кетди-ку ювиб,
Номингни унутини юракча малҳам.
Хиёнат боғида кезавер ивиб,
Мен ману яшайман шикдан ўлсам ҳам.*

*Мен энди кетаман...
Майсазор бўлади босган йўлларим,
Ўрминги қоплагай чақмоқ қалдираб,
Эпкиндан сидрилиб тушар қўлларим,*


БУ ОҚШОМ

*Бу оқшом аламдан сочларин юлиб,
Ой олтин тожини осмондан отди.
Бу оқшом муножот, ушшоқлар қолиб,
Дарахтлар ёввойи кўйишин айтди.*

*Бу оқшом шамоллар кезиб девона,
Лаънатлар ёдирди бутун оламга.
Бу оқшом қўлига доира олиб,
Янгалар жўр бўлди келин саломга.*

*Бу оқшом ёзилди менга айрилиқ,
Тескари оққанча кетди дарёлар.
Бу оқшом дилимга тасалли бериб,
Бошимни силашга йўқ автилар.*

*Бу оқшом никоҳим ўқилди кўёда,
Юлдузлар поёндоз бўлиб туришди.
Бу оқшом қишлоқнинг энг гўзал қизи,
Мен етишолмаган бахтга эришди.*



**Мен энди кетаман,
Умрининг қолганин сенга қолдириб.**

*Рухимга булутини тўшақ этаман,
Чорлайди жисмигни тўпроқ ҳавоси.
Мен энди кетаман...
Муродсиз яшамоқ кимнинг ҳаваси?!*

*Дарудкашим,
Мажнунтола, эй биродарлар,
Дил берши ғуноҳни, қапи айтишлар?
Мен энди кетаман —
Ёримнинг юзини кўрмай ўлсам гар,
Мени ёр изига кўйиб қайтинглар.*

Комилжон ЁРИЕВ,
ЎЗМУ талабаси.

ТУШЛАРИМГА ҚАЙТ

*Ўтаятти кунларим маҳзун,
Яшайман, тунларим оғир.
Кўтаятман, бахтдан дарак йўқ,
Ўртанади, йиғлайди бағир.*

*Югурман, оёқларим шол,
Етолмайман манзилим томон.
Сўзлаётман, тилларим соқов,
Номинг тилга ололмас ҳомон.*

*Кўларим кўр, қулоқларим қар,
Не мақсад бор сенизликда айт?
Ўзимгамас майли бир бора,
Тушларимга, тушларимга қайт.*

Хулқар ПАРПИЕВА,
Оҳангарон тумани,
Ёнариқ қишлоғи.


Кечкурун китоб титиб, газета варақлаб ўтирсам, онажим: - "Опокиннинг ёлғиз қизи Муҳаббатни танийсан-а? Ҳар куни бозорга қатнаб ишлайди-ку! Бугун шундай бир иш қилибди-ки, опокинг куйиб кетди..." - деб қолдилар.

Мен бу қизни танир эдим. Катта синглим билан тенгдош бу қиз, хануз турмушга чиқмаган, келган совчиларни остонасидан ҳайдаб соларди. Маҳалланинг катта-ю кичиги ҳазиллашиб: "Ошингни қачон еймиз", - дейиша: "Хоҳлаган кунингиз чиқинг, зира-ю, нўхатсиз ош пишириб берманг номерд", - деб қўярди. У қиз меҳмондўстлиги, ширинсўзлиги, ажойиб пазандаллиги билан оғизга тушган. Хуллас, бир уйни гуллашиб ўтирадиган қиз эди. Лекин ота-онаси ҳам, ду-

менга айтармиди, деган гумонда эдим. У бозорда оддий олди-сотди билан шугулланса ҳам, ўзига алоҳида хона ажратиб беришган, ҳаммаёқ саранжом-саришта эди. Секин хонасига кириб борсам, ўгирилиб қардию, қулиб: - Мундоқ томогингизни кириб кирсангиз бўлмайми? Кўрқитиб юбордингиз-а! Келинг, опагон ўтиринг. Газетадаги манави мақола қизиқ экан. Шунга берилиб кетибман. Кечирасиз-а? - дея мени кўрпачага ўтказиб, ўзи чоғга чиқиб кетди. Бироздан кейин иккита пиёла билан чойнақда иссиқ чой олиб кириб, тўғримга чўқди.

Бироздан сўнг мени ичкари уйга бошлади. Сўнг у ердаги жавоннинг эшикларини очган эди, кўзим чиройли қилиб териб қўйилган "Оила ва жамият" газетасининг тўпига тушди. Буни кўриб:

ЮРАГИНГ БУНЧА МУЗ, СИНГЛИМ!



"Вой-буй", - деб юборибман.

Сўнг:
- Буларни ўқийсанми? - деб сўрадим.
- Ҳа, гоҳида...
- Ўқийсан-у, амалинг йўқ эканда, - дедим бироз жаҳлим қичиб.
- Намунча онангни қийнамасанг? Сен тенгилар икки-уч болали бўлишди. Сенинг бўлса, ҳали-бери турмуш қуриш хаёлингга ҳам келмайди. Нима гап ёки яхши кўрганнинг борми? Ичингни ёрсанг-чи, бундай! - Муҳаббат бироз кулимсираб менга қараб турди-да:
- Опагон, қани энди ичим-дагиларни сизга айта олсам, озгина енгил тортармидим... Бозор ичида унча-мунчани кўриб, одам пишар экан. Ҳозир аёллар оиласини қора меҳнат қилиб боқиб ўтиришибди. Аёл бозорда... Эрак эса... уйда. Номинга давлат ишига борадими- йўқми? Шунинг учун эраклардан кўнглим қолган. Мен ўзимни таъминлай оламан. Улардан яхши яшайманки, камчилигим йўқ. Текинхўр, боқиманда эракани бошимга ураманми? Эрак дегани аёлини эъзозламаса, қийинчиликлардан ҳимоя қилолмаса, нега керак? Бола керак бўлса топиб оламан! Ҳозирча ўзим учун яшаб олай, кейин бирор меҳрибонлик уйдан бола асраб оларман.
- Ахир ёшлигингда хоҳламаган болани, қаригангизда қандай боқсан, - десам яна гапимни қайириб ташлади. Хуллас унга анча гапириб ҳеч таъсир ўтказма олмадим. У ўзининг айтганларини маъқуллади. Шунда Носир Хисравнинг икки мисра шеъри ёдимга келди:
**"Агар киши бўлса касал,
Бемазадир унга асал"**

Билмадим, бу синглимга қандай таъсир ўтказсам экан? Ё у ҳақмикан? Ё мен уни яхши тушуна олмадимми? У фақат бозордаги аёлларнинг машаққатини кўриб, жуфтлик дунёсидан воз кечган. Ахир беш қўл баробар эмас-ку! Аёлига меҳрибон, меҳнаткаш эраклар қанча! Буни унга тушунтиролмадим. Балки сизлар бирон жўяли маслаҳат берарсизлар.

Малоҳат ХОЛБОВЕВА,
Янгийўл шахри.

Сиз нима дейсиз?

гоналари ҳам қувдан гап очилса, бир сапчиб турарди. Илгари катта синглим билан дугона бўлгани учунми гоҳ-гоҳ бизни кимга ҳам қичиб турарди. Синглим турмушга чиққач, кирмай кўйганди. Уни фақат ишга кетаётганида ёки қайтаётганида кўриб қолардим. Унинг ота-онасини куйдирадиган, дилини оғритадиган бирон ноҳўя иш қилишига кўзим етмасди. "Муҳаббат нима қилибди ойи?" - дедим қизиқиб. Онам: "Ота-она шу пайтгача қизларининг олиб келиб бераётган маршини йиғиб юришган экан. Уша пулга отаси чиройли жавон, ётоқхона мебелларини олиб келибди. Шу маҳалда уйга келиб қолган Муҳаббат: "Булар кимга?", - деб сўрабди. Онаси: "Сенга-да, Худо хоҳласа бу йил тўйингни қиламиз! Тайёргарлик кўриб қўйалик. Сенга ёқдими? Мана қара, чет элиники", - деб мебелларни роса таърифни келтиришибди. Муҳаббат кинояли кулиб, қайси дўқондан, қанчага келтиришганини сўраб, шу куни отаси йўғидан фойдаланиб, уларни олиб бориб, ўша дўқонга топширибди. Пулини опокингга бера туриб: "Мен эрга тегмайман, қув қидириб овора ҳам бўлманг", - дея унинг кўнглини вайрон қилибди. Сабабини сўрашса, айтмасмиш. Боя чиқсам, онаси шуларни айтиб, йиғлаб ўтирибди. Ё ўзинг қичиб, гаплашиб келасанми-а? Балки сенга дилидагиларини айтар? Ахир бош фарзанд бўлса, ундан кейин икки буй етган укалари туришибди".

Иккиланиброқ Муҳаббатларни кимга чиқдим. Онасига айтмаган сирини

ЗИЁКОРЛАР

Бизнинг 3-Чарх Камолон маҳалла-мизда ажойиб кутубхона бор. Бу ерга кирсам ҳамма чарчоқларим, муаммоларим эсимдан чиқиб кетади. Кутубхоначиларимиз Шоҳида ва Маҳмуда опалар ёшу қарини ширин сўз билан кутиб олишади. Мактабдан келган болалар Шоҳида опа ёрдамида дарс қилишади. Баъзан оила муаммоларига дуч келсақ уларнинг олдиларига

чиқамиз. Бизларга маслаҳат берадилар, тушунтирадилар, ўргатадилар ва "Ҳаммаси яхши бўлади", деб ишонттирадилар. Улар ҳам мутолаа қилишни худаям севадилар. Айниқса, "Оила ва жамият" газетасини қўлларидан қўймадилар. Ҳар бир мақолани биргаликда муҳокама қиламиз. Шоҳида опа ва Маҳмуда опалар нафақат кутубхоначи балки ёшу қарига устоз ҳамдирлар.

ЛОЛА,
Тошкент шахри.

КЕЙИНГИ ПУШАЙМОН...

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

Тахририятимизга ёши элликдан ўтиб қолган бир киши келди. Қўлида "Оила ва жамият" газетаси. "Қайда ўзи ўша бахт" руки остида берилган эълонларни очиб:

- Менга мана бу аёлнинг манзили керак эди. Ёлғиз экан. Мен ҳам ёлғизман. Бир-биримизга мос туршарканмиз, - деди.

У излаб келган аёл аллақачон бир одам билан танишганини, ҳозирча бирор қарорга келиб, менга хабар бермаганликларини айтдим. Келган кишининг хафсаласи пир бўлиб, кетишга чоғлангани, гапга тутдим.

- Оилангиздан ажрашганимиз, ёки...

- Бунинг тарихи узун, дея гап бошлади у. - 32 йил бурун қилган хатомга энди жавб берайман. Шайтон йўлдан уриб 3 болали аёлга ошигу беқарор бўлиб қолдим. Ҳолбуки, мен ўшанда 21 ёшда эдим. Ота-онам, қариндош-уруғим кўп қаршилик қилишди. Аёл билан тилни бир қилиб Қарши чўлига қочиб кетдик. Йиллар шоду хуррамликда ўта бошлади. Хотиним мендан ҳам уч фарзанд кўрди. Бирин-кетин болалар улғайишиб, уларни уйли-жойли қилиб чиқардик. Ҳозир кенжа ўғлим ўзимиз билан бирга. Сўнги йилларда хотиним мени менсимай қўйди. Болаларим ҳам онасидан андоза олишган. Онани гапи гап, сўзи сўз. Бирор масала юзасидан тортишиб қолса, хотиним: "Уйдан чиқ. Бу уй меники. Қачон ўзингга ватан қуриб олсанг, ҳўжайинглик қилсан", - дейди. Шунча йил қилган меҳнатим, афсуски сувга оқиб кетди. Ота-онамни норози қилиб катта хатога йўл қўйган эканман. Отамни гапини икки қилганим фарзандларимдан қайтди. Охири оиламни, уй-жойимни ташлаб уйдан бош олиб чиқиб кетдим. Ҳозир бир танишимникида турибман. Хали ҳам кучкуватим бор. Ўзимга бошлана қуриб олишга қўрбим етди. Лекин қайтадан уйланиб, фарзандлар кўришга юрагим безиллаб қолди. Шу боис ёши ўтган ўша аёлни суриштириб келгандама. Агар шундай аёл яна чиқиб қолса менга хабар беринг. Фейъл-атворимиз тўғри келса қолган умримиз у билан ўтказмоқчиман. Соч-соқол оқарганда сўққабошлик...

У бу сўзни қийналиб айтди. Анча гаплашиб ўтирдик. Юз-кўзларида пушаймонлик, сўзларида афсус-надомат, ўзини йиғини аранг тутиб турарди. Ҳар қалай ота-онасининг норозилиги тақдирининг шундай якун топишига асос бўлган деб ҳисобламайман мен. Ҳеч бир ота-она фарзандини минг ёмон бўлса ҳам қармамайди. Оилада ўз ўрнини топиш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Балким у кишидан ҳам хатолик ўтган дир. Тагин ким билсан. Қарс икки кўлдан чиқади. Ҳар ким ўзи йўл қўйган хатони тан олса, олам гулистон. Бўйни йўғонлик аёлга ҳам, эркакка ҳам бирдай зиён келтиради. "Эру хотин қўш ҳўкиз", нақли биров кўпол ўхшатиш бўлса-да, бўйинтириқдан бошини халос қилган ўша эрга ҳам, бўйинтирик (рўзгор) билан қолган аёлга ҳам осон эмас. Хали ҳам кеч эмас. Аввалом бор фарзандлари, оиласи бағрига қайтгани маъқул. Қайтишга йўл йўқ бўлса, ўзи айтгандай бир кўнглини овласа, унга меҳр берса ўзи ҳам бу бахтга мушарраф бўлади. Сиз нима дейсиз, азиз мухлис?

Тоҳир НОРИМОВ.

эдим. Мен-ку майли, ҳатто қизим ҳам бу нарсаларни билмасди. Шубҳалар кўплиги, гап сўзларининг галатилигидан уларнинг аслида қимлигини билолмасдим. Бир кун нотаниш бир аёл уйимизга кўнғироқ қилиб, ўзининг қимлигини айтмасдан қудамнинг яшаш манзилини ва уй телефони бери. Савол берсам қувём дўконда ишларини, қаердалигини эса изидан пойлаб бориб кўри-

- Бу хонадонда ортиқ бир дақиқа ҳам яшамайман, - деди-да нарсаларини йиғишга тушди. Қизим нарсаларини йиғунича бориб маҳалла қўмитасида-гиларни ва қувёмнинг онаси билан онасини чақириб келдим. Онаси дарҳол қувёмни чақиртирди. Ҳамма йиғилгач, қувём, онаси ва онаси қандай қилиб бизни алдаб қизимга уйланганини, шу 11 ой

Қизим эрига



ичида нималар бўлганини айтиб бердим. Сўнг барчанинг олдида қизимни, боласи ва нарсалари билан олиб кетмоқчилигимни билдирдим. Қувём шу ерда ўзининг қанчалик назари пастилигини кўрсатди. Бу билан хижил бўлиб турган кўнғимдаги охириги илинжимни пучга чиқарди. - «Ойи булар олиб чиқаётган нарсаларнинг ичини яхшилаб текшириб кейин чиқаринг, тагин бизникини ҳам қўшиб олиб кетишмасин», - деди. Сўнг қизимга қарата, - «Сен эса менга, алимент талаб қилмайман», - деган тилхатни ёзиб берасан. Шундан сўнг кетавер, тўрт томонинг қибла», - деди. Шундай пасткашликдан сўнг нима ҳам дердим, шартта қозғони олдим-да шу мазмундаги тилхатни ўзим ёзиб бердим ва ниҳоят бундай балолардан қутқараётганлиги учун Оллоҳга шукур, - деб енгил кўнғил билан қизим билан неварамни олиб чиқиб кетдим.

11 ой ўтгандан сўнг мен қимлигини билган қувёмнинг отаси нуфузли олийгоҳда каттагина лавозимда, онаси ҳам ўша жойда ишларкан. Қизи икки

Тўртинчи хотин экан

шим мумкинлигини айтди-да гўшақни қўйиб қўйди. У берган телефонга бир ҳафта давомида бир неча бор ҳар хил вақтда кўнғироқ қилдим. Ҳар сафар гўшақда қувёмнинг овозини эшитиб ҳайрон бўлдим. Чунки қувём ҳар кун эрталаб қизимнинг олдида-ишга кетдим», - деб кетар ва кечки соат 12 ларда қайтиб келарди. Шундан сўнг қувёмни кузатишга аҳд қилдим. Эрталаб уни кузатиб бордим. Сотувчига алланамаларни айтиб, машинасига ўтириб кетди. Кечки пайт келди. Соат 9 ларда дўконни ёпиб сотувчиси билан қўлтиклашиб чикди. Сотувчини машинага ўтказиб дўкондан унча узоқ бўлмаган кўп қаватли уйлариинг ёнига бориб туширдим. Ўзи эса яна машинага ўтириб бир неча уй наридаги бошқа уй ёнига бориб тўхтади ва шу уйга кириб кетди. Шу ҳолатни бир неча кун кузатдим. Бу орада катта қизим қувёмнинг онаси яшайдиган манзилни топибди. Шундан сўнг маҳалла қўмитасига бориб қудаларимиз ҳақида суриштирибди. Маълум бўлишича, қувём Маҳмуджон менинг қизимдан олдин уч марта уйланган экан. Биринчисидан фарзанд кўрмаёқ, қолган иккитасидан биттадан фарзанди билан ажрашган экан. Хуллас бир ўғил, бир қизи бўлиб менинг қизим унга тўртинчи хотин, қизи эса учинчи фарзанд экан. Қизимдан олдинги хотинларига ҳам роса азоб берган. Ҳатто ишга кетар пайтида- "олдинга ҳеч ким келмасин", - деб устидан қулфлаб кетаркан. Фарзандлари туғилганда, чақалоқдан хабар олишга келган шифокор ҳам бу хонадонга киролмабди. Ўз фарзандларини кўришга келган қариндошлари ҳам уйга киролмай, олиб келган нарсаларини арқон билан ойна орқали узатишган экан. Бу гапларни эшитиб доддираб қолдим. Бирин-кетин қувёмнинг олдинги хотинларини топдим. Бири-биридан чиройлик аёллар экан бари. Болаларидан ўтган воқеаларни гапириб беришди. Шундан сўнг бор гапни қизимга айтдим. Зўрға чидаб юрган қизим, тўртинчи хотин эканлигини билгач...

фарзандини икки эрдан туғиб эрсиз яшаса, ўғли тўрт марта уйланса-ю, олим ота уларни йиғиб ололмаसा, қудалари, келини қимлиги билан қизиқмас.

У кишига учрашиб, -«Ўғлингиз уч марта уйланган экан, хотинингиз билан қизингиз қайси юз билан хаддилари сиғиб, менинг уйимга, гулдек қизимни сўраб боришди? Бунга қандай йўл қўйдингиз», - десам индамади. Лекин хотини-қудам: - «Ҳа, нима бўпти. Хотинлари нобоб чиқаверса ўғлимда нима айб. Барибир кимгадир уйланиши керак-ку», - деди.

Қудам ва қувём қизимни олиб кетганим алам қилиб маҳалламизга ва қизимнинг ишхонасига бориб жанжал қилишди. Гўёки мен қизимнинг уйини ўзим бузган эмишман.

- Майли бу гап мен ёмон эканман, ундан олдинги бир-биридан чиройлик учта хотин билан ўғлингиз нега ажрашди?-деб сўрадим. Лекин саволимга жавоб ололмадим.

Тахририятга келиб дардини тўқайтган аёл- «мен ҳозир», - деди-да, эшикни очиб чиқиб, хонамизга учта чиройлик келинни бошлаб кирди. Бирининг қўлида чақалоғи ҳам бор эди. Аёл гапида давом этиб, - «Қувёмнинг биринчи хотини келмади. Турмушга чиқаётган экан. Мана бу Маъмура-хон— иккинчиси, буниси Дилдорахон— учинчиси, чақалоқ кўтаргани Раънохон, менинг қизим—тўртинчиси эди», - деди. Келинлар ҳар қайсиси яшаш даврида ўз бошидан ўтганини гапириб беришди. Ҳар қайси келиннинг Маҳмуджон билан яшаш даврида бошидан кечган воқеаларининг ўзи бир ҳикоя экан. Уччаласи ҳам тўйлар бўлиб ўтунича, эрининг олдин ҳам уйланганини билишмаган. Маҳмуджон уларни чиройли кўриниши, ширин муомаласи билан ром этган бўлиб чиқди.

Улар кетишди. Мен бу инсонларнинг кўр-кўрона, ўта ишонувчанлик билан ўз тақдирларини ҳал қилганликларини тушуна олмадим. Бу воқеани ўқиганлар ўзлари учун хулоса чиқарадилар, зора бундай хатони такрорламайдилар, дея умид қилиб ушбу мақолани ёздим.

Лола АХМЕДОВА

ФЕЪЛИНГИЗ ЎЗГАЛАРГА

Маҳлиёхон, эр-хотинларнинг бир-бирини эъозлаб, тотли ҳаёт кечириши қандай яхши! Бу айниқса, ота-оналарни, қариндош-уруғларни, сиздек ва мендек "Оила ва жамият" муштарийларини севинтиради. Узингиз ҳам шу икки ёшнинг тотув ҳаётидан завқланиб Манзураҳондан: "Эрингиз билан севишганмисизлар?" - дея сўрабсиз-ку! У эса: "Турмуш курганимиздан сўнг севганмиз бир-биримизни", - дебди. Ота-она изми билан турмуш қуриб, севиб, севилиб ҳаёт кечираётганлар кўп. Минг афсуслар бўлсинки, олдин бир-бирларига кўнгил қўйиб қувонганлар орасида ҳам кўнгилсизликлар, қўйди-чиқдилар содир бўлмоқда.

"Тухмат гапнинг касофати" - 29-сон, 2004-йил

ЭСЛАТМА: 3 фарзанда ўсаётган оиллага кўз тегади. Улар тухмат балосига бўлиқшиди. Оила ажралиб кетиш арафасида.
МАҲСИЁ,
Гулистон шаҳри.

гулгун ҳаётига раҳна солган тухматчининг уялмай-нетмай ён қўшниси, Манзурага отган таъна тошлари ҳеч қандай қуюшқонга сиймайди. Уринсиз шубҳага бориб: "Турли машиналарда юрасан, бузуксан",

тутиб, жанжал-кашлик қилмайди, атрофдагиларни йиғиб, сўраб суриштиради. "Бузук" билан "тузук"ни ҳар қанақасига билиб олса бўлади-ку! Уятлиси шундаки, ўша тухматчи Манзурага аччиқ-санчиқ қилиш билан аламини олиб қолмай, унинг эрига чақиб, урдирибди. - "Талоқ қўйдим сени", - дея ҳақоратлади уни эри.

ОЗОР БЕРМАСИН

- дея Манзурага таъна тошларини отиши инсофданми, азизлар?

Фаҳм-фаросати бор инсон шовма-шоварлик билан иш

қатий", - дея ажрашмоқчи бўлиди. Эндликда икки ёшнинг порлоқ ҳаёти кулаш арафасида эмиш. Тухмат тошлари отган

ўша аёл нахотки мусулмон бўла туриб, уч норасидани етим қилишини, шу туйғайли гуноҳга ботишини ўйлабмас...

Бундай тухматчилар бор экан, одамлар орасидаги меҳр-мурувват ҳам йўқола бориши аниқ. Кўрдингизми, азизлар, тухмат тошининг кучи севишли аёлини маҳв қилишга етаклади йигитни.

Бизнингча, инсон ҳамма вақт мулоҳаза билан иш тугитиши керакким, токи у ўз ич-этини кемирмасин, ўзгалар ҳаётини чоҳ сари етакламасин!

Эй жаҳл отига минган йигит, сизга маслаҳатим: уч фарзандингизнинг тирик етим бўлишини, кўнгли очик, беғубор аёлининг гўздан бир умрга ажраб қолганингни ўйлаб, иш тутинг! Аёлигиз эҳтиёсизлик билан иш тугганини унга таъкидланг.

Ўзаро гаплашиб олинг. Ажралман десангиз, қаттиқ панд ёйсиз. Гулгун ҳаётингиз рашқ ўтида ёнади-да, балки бундан сўнг ҳақиқий "бузукча" дуч келсангиз, унда нима қиласиз?

Менимча, Манзура эрига ўз камчилигини айтиб, ундан кечирим сўрашга ҳам тайёр бўлса керак, шундай эмасми, оғзи куйган қизим?

Эй, тухматчи қўшни, сенга нима ҳам дей, сенинг қилмишингдан мен ҳам, барча муштарийлар ҳам нафратланамиз. Бу билан сен ёстиқдошингни ҳам, ён қўшингни ҳам, муштарийларни ҳам - ҳамма-ҳаммани қаттиқ ранжитдинг, ўзингга ўзгалар нафратини уйғотдинг. Албатта чоҳ сари етакламанг "қайтим" бор. Ўз вақтида хушингни йиғиб олиб, феълингни тугитишга интилинг, феълинг туйғайли Оллоҳнинг газаби-га уяраб қолмагин.

Дилни қалқатувчи бўлма, эй инсон! Феълинг ўзгаларга озор бермасин. Оналар номидан илтижо қилай: "Яхшилар кўпайсин, ёмон қолмасин!"
Афифа ҲАСАН қизи

ДОШ ҚОЗОНДА ЕТИЛГАН...

Ҳикоянинг жанр талаблари, сюжет линияларига баҳо бериш мунаққидлар ҳукмига ҳавола. Биз оддийгина ўқувчини ром этадиган жихатлари-ю, тилининг равонлиги ҳақида баҳслашайлик "Хуллас, лўппи юзли, лабини учиди табассум жиллоланиб турган, бодомқовоқ бу хонимга хаваси келмайдиган одамнинг ўзи йўқ эди. Яна бошқачароқ айтадиган бўлсак, Абдурауф Сулаймонович катта бир чинор деса-ди, Маликаҳоним унинг соясидаги мўъжизакор бир хилқат эди".

Маликаҳонимнинг суврати ақли лол этади, ёндирди-ю, сийратидан кўнгиллар музлайди. Вожаб, инсон табиатининг мураккаблиги. Аёл бир кўзи билан шунча йиллик умр йўлдошига вафо қилса - иккинчи кўзи билан билиб-туриб хиёнат қилмоқда. Балои нафс садоқатдан, вафодан устун.

Абдурауф Сулаймонович зукко, доно раҳбар, ўз ишининг устаси, сирти ялтироқ, ичи қалтироқ. Умр бўйи ишонган одами, бир қарашда фаришгадек беғуноҳ вафо тимсоли - айни чоғда хиёнаткор. Юрагини кемираётган, ишониб-ишонмаган шубҳалари, охир-оқибат ҳақиқатга айланди-ю, унинг гирдобига гарк бўлди.

Қадри Комилжон ака, ҳикоянги бўлган ёки бўлиши эҳтимолга яқин ҳолатлар асосига қурилган. Энг муҳими, ўқувчини ишонтира

олиш қудрати бор. Ки-тобхонни зериқтирмайди, толиқтирмайди, ўша адирлар этагига борадиган ёлғизовёқ йўлдан етаклаётганга ўхшайди. Қаҳрамонларнинг чуқур рухий ҳолати, ички кечинмалари, борлиқ дунёси равон, содда андижон шевасида ёритилган. Дам олиш уйдаги бир кунлик ҳаёт, дам олувчиларнинг ўзаро муносабатлари, айниқса қоровул билан Абдурауф Сулаймонович ўртасидаги тунги суҳбат жуда ишонарли чиққан. Асарнинг кульминацион ечими Абдурауф Сулаймоновичнинг фожеяси, уни ҳалокатга олиб борган воқеа-ҳодисалар ривожига ҳеч қимда шубҳа қўйотмайди.

Тасвир кучи ниҳоятда табиий, ўқувчи қаҳрамон дарди билан қўйиб-ёнади. Сиз шу қадар газета руҳига сингиб кетгансизки, назаримда ёзган ҳикоянги ҳам "Оила ва жамият"нинг катта дош қозонида пишиб етилган. Ҳар томчидан "Дил изхори"нинг ҳиди,

"Қурт тушган чинор" 35-сон

ЭСЛАТМА: Абдурауф Сулаймонович санаторияда хотини Маликаҳонининг пугилган кунига бағишланган зиёфатда ҳамманинг ўзига гаалати қараётганини сезди. Лекин у бунга парво қилмади, аммо... Эртасига зиёфатдаги жингаасоксоч йиғинининг хотини шихонасига келиб унга бор гапни айтди. У яширинча хотинини пойлаб унинг хиёнатига гувоҳ бўлди. Эрталаб эса уни ўлик ҳолада топди.
Комилжон НИШОНОВ



"Синалган ҳақиқатлар"нинг мазаси келиб туради.

Хулоса шуки, кўп сонли муҳлисларингиз қатори сизни иходий ютуқ билан чин дилдан қутлайман, мустаҳкам соғлик, юксак парвозлар тилайман.

Ҳикмат МАҲСУМОВ

ЯРАЛАНГАН ҚУШГА ЎХШАЙСАН, ҚИЗИМ

Меҳриниса қизим! Дил изхорингизни ўқиб анача вақт ўзимга кела олмай юрдим. Хайвонлар ичиде она мушук ўз фарзандларини азоблар билан туғади, ота мушук пайт пойлаб, ўз болаларини еб қўяди. Ахир у хайвонку. Инсон улуг зот. Ўзининг ақл фаросати билан хайвондан фарқ қилади. Отангиз-чи? Онангиз олдида ўз айби очилганидан кейин, камалишдан қўриқиб, бировга айтмасликни талаб қилади. Бундай инсонни нима деса бўлади? Яхши сўзига ишониб "Б" амакининг тузоғига тўшиб қолгансиз. Мен 6 ёшимда етим қолдим. Отам ўлгандан кейин онам турмушга чиқди. Ўғай отам 3 етимни тарбиялаб ўстирди (жойлари жаннатда бўлсин). 11 ёшимда онам касал бўлиб, касалхонада узоқ ётиб қолди. Яна укам иккимиз ўғай отам қарамоғида қолдик. Мен ҳатто овқат пиширишни ҳам билмасдим. Ўғай отам, ишдан келиб овқат пишириб бизларни боқар, ўз меҳрини аямасди. Ҳаёлида, дилида, тилида хайвоний туйғулар йўқ эди. Унинг тарбияси, меҳри билан биз чин инсон бўлиб етидик, яхши фазилатларидан ўрнак олдик.

Ҳар жума авлодларим руҳига атаб қуръон ўқисам, уларни ҳам тилга олиб, руҳлари шод бўлишини Худодан сўрайман. Тўғри, инсонни ҳимоя қиладиган қонунлар бор. Лекин ҳеч қачон бу қонунлар ўз яқинларингдан кўрган юрак ярасини тугата олмайди. Меҳриниса яраланган бир қушчага ўхшайди. Албатта ҳаёт унга ҳам кулиб боқадди. Ўз бахтини топади.

"Қадрингизни, қаддингизни ўзингиз тиклаб олинг" 35-сон

ЭСЛАТМА: Отам маст бўлиб келиб номуслига тегади. Оиламиз шаънини ўйлаб, онам бу гапни чиқармади. 9-синфни битириб коллежга ўқишга кирдим. Мен ижарага турган уй эгаси отамдек меҳрибончилик қиларди. Бир кун бошимдан ўтган воқеани айтиб қўйдим. Шундан сўнг, у менга бошқача кўз билан қарайдиган бўлди. Вилоят марказидан уй олиб бериб, «Яхши бир инсонни топганимча чизди», деганади. Бир йиғинни топганимда бахтимча тўғаноқ бўлди.
Муаллиф: А. АҲМЕДОВА



Ҳар жума авлодларим руҳига атаб қуръон ўқисам, уларни ҳам тилга олиб, руҳлари шод бўлишини Худодан сўрайман. Тўғри, инсонни ҳимоя қиладиган қонунлар бор. Лекин ҳеч қачон бу қонунлар ўз яқинларингдан кўрган юрак ярасини тугата олмайди. Меҳриниса яраланган бир қушчага ўхшайди. Албатта ҳаёт унга ҳам кулиб боқадди. Ўз бахтини топади.

Ғайнижамол АБДУЛЛА қизи, Тошкент шаҳри.

ҲИЖРОН МЕҲМОН БЎЛМАГАН ДИЛ ЙЎҚ

Рустам! Сизни ички туйғуларингиз ҳақидаги дил изхорингизни ўқиб, жуда қаттиқ таъсирландим. Айниқса, сўзларингиз сўнггида келтириб ўтган шеърни ўқганимда беҳосдан кўзларимга ёш келди.

"Мен ҳам Оллоҳ томонидан яратилган муқаддас туйғу севиғи азобида жуда қийналаяман", - деб ёзибсиз. Сизни тушунаман. Севиғи қалбга қутилмаганда кириб келади-ю, унинг тотли азоблари-ю, ҳижронли туну кунларини тан олишга мажбур бўласан киши.

"Армон бўлдинг" 37-сон

ЭСЛАТМА: Мен бир қизни севардим. Ушқ дўстим ҳам севган учун азаримни ичимга ютиб юрардим. Лекин у, бошқа бировга турмушга чиқди. Ҳозир бахтиёр яшайди. Баъзан кўча-кўйла уни учратиб қоламан. Бир сафар кўрганымда: «Сиз ҳам энди уйланинг», деди. Мен эса уни унутма олмади уйланмасасизка қарор қилганимдан хабари йўқ.
РУСТАМ.

Юрагингиздан жой олган инсон ҳаётингиз мазмунига айланади. Соғинч ва юрак амрига итоат этиб яшаи қанчалар оғирлигини тушуна-

ман. Ҳижрон меҳмон бўлмаган диллар йўқ дейсизми?

Сиз севган қизни сиймосини, уни учратган дамларингизни ҳаётингизнинг ёруғ нуқтаси сифатида хотирлаб юринг. Муҳаббатдан воз кечиб кетиш жуда қийин. "Ўз бахтимга эриша олганимга ўзим сабабчман", - деб ёзибсиз. Бу йўлда фақат ўзингизни айбламанг. Нима бўлганда ҳам бунга фақатгина сиз эмас, балки тақдир ҳам сабабчилигини унутманг. Биринчи, муҳаббатингиз сиз учун таскин ёки армон эмас, балки ширин ўй хаёлларга айлансин. Сиз ҳаётга бўлган муносабатингизни, ўз иродангизга бўлган шайтонингизни ўзгартинг. Ҳаёт кишига бир марта бери-

лади. Ана шу бебаҳо ва қайтарилмас дамларни мазмунли ўтказишга ҳаракат қилинг.

Ўша аламли изтироблар ханузга-чизга азоб беришига йўл қўймаслигингиз лозим. Энди "Тақдиримни ўзим қураман", - деб ўзингизга ишонч билан сўз беринг. Келажакда сизни яна қандай синовлар кутаётганини билмайсиз. Ҳамма нарсани вақт доволади.

Рустам юқорида айтиб ўтган сўзларим балки сизга оғир ботиши мумкин. Бу сизга айтилган ҳолисона фикрларим.

Нодира ЭРМАТОВА,
Сирдарё вилояти,
Гулистон шаҳри.

ТАБРИКЛАЙМИЗ

ЭЪЛОНЛАР!

Хурматли ШАМСИЯ опа МАВЛОНОВА!

Сизни таваллауд кунингиз билан самимий кутлаёмиз. Сизга бағри бутунлаш, соғлаш ва бошлаган хайрли ишларингизга ривож тилаёмиз.

Самарқанда шахри таабиркор аёллари ва дўстларингиз.

Қадрон дугонам Чинора БУТАЕВА! Сизни 17-Эшингиз билан чин дилдан кутлаёман. Ҳамиша ҳозиргилек гўзал, ва мафтункор бўлиб юринг.

Уртоғингиз Ирола, укангиз Шахзодажон, Самарқанда вилояти, Поёриқ тумани

Жияним АВАЭХОН!

Туғилган кунинг муборак бўлсин! Сенга соғлаш ва барча болашак орзунгга эришишингни тилаёман. Капта ошинг, долажонинг ва ойшжонинг номидан, Иброҳим тоғанг.

Дилозахон АНВАРЖОН қизи!

6-октябр таваллауд кунинг билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Безавол умр кечириб, соғ-саломатликка яшашингни Олоҳдан тилаб қоламиз.

Дааажон ва ойшжонинг, жигарларинг, қизларинг: Юлдаз, Гулноза, Умида.

Азиз опажањимиз Саодат ҚУЧҚОРОВА! Сизни 11-Феврал 22 Эшингиз билан табриклаймиз. Доимо омадди ва албатта бахтли инсон бўлинг. Гўзаллик сизни тарк этмасин.

Сингулларињгиз ва жияњингиз Наврўз, Тўлқин.

Самарқанда вилояти, Поёриқ тумани

Самарқанда вилояти, Поёриқ тумани

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчақларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида кўйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.

Ўқув муддати 2 ойлик курслар
• Бичиш-тикиш
• "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш
• Бисерлардан фойдаланиб тикиш
• Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000)
• Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш
• Сартарошлик
• Косметология
• Маникюр-Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси-Қандолатчилик-олий курс.

Ўқув муддати 4 ойлик курслар
• Миллий курга-қўрғачлар тикиш
• Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик қўрғачлари ва ёстиқчаларини тикиш.

Ўқув муддати 4 ойлик курслар
• Массаж ва уй ҳамширалиги
• Биғиш-тикиш (бошловчилар учун)
• Машинада гул тикиш (вишивка).

Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади. Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси, Фуркат кўчаси, 1 уй. Мўлжал: Республика спорт кўмитаси. Тадбиркорлар палатаси, 2 қават, 202 хона, 413 хона. Телефон: 45-18-42, 29-28-58.

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН ҚОВУГИ БЎШ ҒУГИЛ ва ҚИЗ БОЛАЛАРНИ БАТАМОН ДАВОЛАЙДИ.

Буйрак, қовуқ, простата беши касалликларини ДАВОЛАЙДИ. Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жангоҳ маҳалла) Мўлжал: Метронинг F. Гулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача Чорсудан 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 91. Себзор бекати.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ! БМТнинг Халқаро Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) ва Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси "Саломатлик ва бахт оғушида" мавзусида ҳикоялар, шеърлар, фотосуратлар учун энг яхши асарлар танловини эълон қилади.

Танлов шiori: "Соғлом оила, соғлом муҳит ва соғлом авлод!" Танловнинг илк саралаш тури 2004 йилнинг 10 ноябригача ўтказилади. Танловда ёш ҳаваскор қаламкашлардан тортиб, тажрибали ёзувчилар шунингдек, ҳаваскор ва тажрибали фото сураткашлар ҳам қатнашишлари мумкин.

Танловнинг яқинловчи турида нуфузли, халқаро миқёсдаги ҳакамлар ҳайъати томонидан энг яхши деб топилган асарлар учта китоб ҳолида чоп этиш учун танлаб олинди ва ғолибларга раб-талантирувчи совғалар топширилади.

Танловда энг яхши деб топилган асарлар, салмоқли адаб билан 2005 йил Халқаро болалар кунига бағишланиб чоп этилади ва Ўзбекистонда тарқатилади.

Танлов бўйича тайёрланган асарлар қуйидаги манзилга юборилади: Тошкент шаҳри, Олмачи кўчаси, 32-уй. Ўзбекистон Республикаси Болалар жамғармаси.

СИЗЛАРГА ИЖОДИЙ ЗАФАРЛАР ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ!

Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергия, бўғин, ошқозон-ичак хасталиқларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталиғида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергия касалликларини аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача. МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.

“ХУДҚИ ХУШ”

Хар бир ишда эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилган киши ҳамма вақт муваффақият қозонади. Эҳтиётсизлик эса зийн-заҳмат келтиради.

Кимки қилмас ҳар ишига эҳтиёт, Ул ишдан толмагай ҳаргиз наҳот.

Аблаҳ одам ўзидаги камчиликларни кўра олмайди-ю, бошқаларнинг камчиликларини кўради.

Бу воқеа ўтган асрнинг 90-йилларида бўлиб ўтган. Учинчи қизим Гулнора ўрта мактабни тугатиб ўқишга борадиган бўлди. Қишлоқдан чиқмаган, шаҳар кўрмаган қизнинг қайси ўқишга боришини онасидан сўрадим. Чунки ўзидан катта опалари анча ҳаракатчан,

«Оила ва жамият» ўғитномаси

ЯХШИ ЭРУР

ни кўради. Аввал ўзидаги камчиликларни кўриб, шуларни йўқотишга киришса, аблаҳ бўлмас эди.

Айбни аблаҳ бутунлай билмагай, Узгаларнинг айбидан айрилмагай.

Тўпловчи: Мамадали БЕРКИНОВ, Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани.

яхши топшириб чиқавер. Мен бино бурчагидаги машина балонида ўтириб тураман,- деб тайинладим. Қизим имтиҳонга кириб кетди. Айтилган балон устига бориб ўтирдим. Атроф жим-жит. Мендан бошқа ҳеч ким йўқ.

ҚОВУН ЮМАЛАБ ТУШГАНДИ

удли-шудли эди. Онасининг айтишича тарбиячиликка қизиқаркан. Колхозимизда 3-4 та болалар боғчаси бор. Ўқишни битирса шулардан бирига кириб ишлаш имкони бўларкан. Ҳужжатларини Тошкентдаги билим юртига топшириб келдик. У вақтлари фанлардан оёма ва озгаки имтиҳон қабул қилинарди. Биринчи имтиҳон белгиланган кун, кўрсатилган соатда етиб бордик. Билим юрти ҳовлиси ғиж-ғиж одам. Имтиҳон бошланишига кўнғироқ чалинди. Гулнорага: "Қизим, имтиҳонни

Орадан бирор соат вақт ўтибди. Кўзим илинибди. Қуш уйқусини олибман. Туш кўрибман. Қарасам, стол устида иккита сариқ-қизил ола қовун турибди. Стол ёнига бораётсам, қовунлар ўз-ўзидан юмалаб ерга тушиб кетди. Уйғониб кетдим: "Кўнглимдан қизим имтиҳондан "йиқилди-ёв", деган хаёл ўтди. Ҳақиқатда тушда кўрганым ўз аксини кўрсатди. Қизим имтиҳондан ўтолмай хафа бўлиб чикди.

Тиллабек МИРЗА АҲМАД ўғли Тошкент вилояти

Об-ҳавони қузатиш марказининг маълумотига кўра, республикамизда ҳаво ўзгариб туради. Айрим жойларда ёмғир ёғиб, шамолнинг тезлиги кучаяди. Кечаси ҳарорат 6°-11° дан 3°-8° гача пасайиб, кундузи 18°-23° гача кўтарилиши мумкин. Шимолий ҳудудларда 2° совуқ бўлиб, кейинчалик ҳавонинг ҳарорати 18°-23° илқ бўлиши кутилмоқда.

- КЎЙ (21.03 — 20.04). - Шу ҳафтанинг бошланишида бироз чқимдор бўлишингиз мумкин. Ҳафтанинг охирида эса, қутилмаган маблагга эга бўласиз.
СИГИР (21.04 — 21.05). - Тилингиз душманингиз. Сиз камтар бўлиб, тилингизни тийиб юргангиз маъкул.
ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06). - Озига қаноат қилишни ўрганинг. Ҳаётдан нолиб юрмай, бориға қаноат қилиб яшашга ҳаракат қилинг.
ҚИСҚИЧАҚА (22.06 — 22.07). - Ҳамма ҳам хато қилиши мумкин. Арзимаган камчиликлар учун қаттиқ изтиробга тушмай, уларни бартараф қилиб яшашга ўрганинг.

- МУНАЖЖИМЛАР
АРСЛОН (23.07 — 23.08). - Сизнинг ишларингиз ва соғлигингиз аъло даражада бўлади. Бироқ, тиш шифокорига албатта учрашингиз керак.
БОШОҚ (24.08 — 23.09). - Янги режалар тузиб, уларни амалга ошириш учун қулай ҳафта. Ишларингизни орқага суриб юришга одатланманг!
ТАРОЗИ (24.09 — 23.10). - Парҳез қилишга ошиқманг. Фақат асабларингизни бироз бўш қўйиб, дам олинг. Соғлигингиз яхшиланади.
ЧАЁН (24.10 — 22.11). - Сизни хотиржам ҳафта кутмоқда. Ҳаётнинг ҳар бир инъомидан қувонишни ўрганинг.

“ОИЛА ВА ЖАМИЯТ”ТА ОШНО БЎЛИБ

- "Оила ва жамият" газетаси билан ҳамкорлик қилиб, реклама бера бошлаганимдан буюн кўпчиликка танилдик. Олис ва яқин вилоятлардаги юртдошларимиз бизнинг клиникамизга келиб ўз дардларига дармон топишаётганидан беҳад бахтиёрман. Мен тадбиркор дўстларимизга "Оила ва жамият" газетасига обуна бўлишни, бу нашр билан ҳамкорлик қилишни маслаҳат бераман. Набирамга ҳам доимо бу газетани кўдан қўймай ўқиб, ўқишини таъкидлаб тураман, - дейди тиббиёт фанлари доктори, профессор Эргаш САЛИМОВ. Сувратчи: М. МИРСОДИҚОВ.

- БАШОРАТИ
ЎҚОТАР (23.11 — 21.12). - Қалбингизга қулоқ солинг. Унинг амри билан бажарган ишларингиз сизга бахт ва омад келтиради.
ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01). - Рўзғордаги камчиликлар учун хуноб бўлманг. Яхши гап билан ҳаммасини жойига қўйишингиз мумкин.
ҚОВБА (21.01 — 18.02). - Анчадан буюн гаплашмаган дўстингиз билан ярашиб олинг. Ҳазил-хузул гапларни тушунишга ўрганинг.
БАЛИК (19.02 — 20.03). - Меҳмондорчиликка борганингизда ортиқча таом еманг. Ҳар нарсанинг ҳам меъёри бор.

"Оила ва жамият"нинг биринчи сонидан бошлаб муҳлисман. У менинг дилдан сўзлашадиган дўстимга айланган. Мен ҳам бошимдан ўтган яхши ва ёмон кунларни ёзай дейману, андиша кўймайдими ёки кунт қилмайманми, шу пайтгача кўлимга қалам олмадим. Мана ярим асрлик умрим ҳам ортда қолди. Пешонамга ёзилган неки кун бўлмасин барчасини шукур, деб қабул қилдим. Касбим ҳайдовчилик. Хозир Тошкент шаҳридаги кўпқаватли уйлarning бирида, бир хонали уйда ёлғиз ўзим ижарада тураман. Мен яшаган подездда ҳамма жуфти ҳалоли, бола-чақаси билан яшайди. Мен эса ёлғиз... "Ўзинг шу қисматни танлагандирсан", дейшингиз мумкин. Йўқ, мен ҳам онамдан хотинли, уч болали бўлиб дунёга келмаганман. Мени ҳам онам тўққиз ой юраги остида кўтариб юриб, не-не орзу ҳаваслар билан туққан. Беором тунларни бошидан кечириб, бешигимни тебратган, меҳр билан кўрак сути берган. Тилим чиққанда, тетапоя бўлганимда қувонган. Оилада беш фарзанд (3 қиз, 2 ўғил)нинг бир арзандаси бўлганман.

Оиламиз ниҳоятда тотув эди. Ота-онам ҳеч қачон бизга овозини кўтариб гапирмас, биз болалар ҳам ўзимизга бириктирилган юмушларни ўз вақтида бажарардик. Отам ҳам, онам ҳам оддий ишчи эди. Мактабда яхши ўқирдик. Бирин-кетин улғайиб ҳаётга учирма бўла бошладик. Навбат менга ҳам етиб келди. Ўиничи синфни битириб ҳарбий хизматга кетдим. Икки йил ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Хизматдан келиб бироз тайёрландиму Тош-МИга ҳужжатларимни топширдим. Шу йили ўқишга кира олмадим. Қишлоққа қайтиб боришга юзим бўлмади. Ҳарбий хизмат даврида ҳайдовчилик курсини битиргандим. Шу сабаб уйга қайтиб бормай Тошкентдаги автокорхоналардан бирига такси ҳайдовчиси бўлиб ишга жойлашдим. Иккинчи йил ҳам ўзимни синаб кўрмоқчи бўлдим. Омадим чопиб, ўқишга қабул қилиндим. Студентлик даврим бошланди. Биринчи курсни тугатиш арафасида бир синфдошим уйланадиган бўлиб қолди. Тўйга мен ҳам етиб бордим. Ўша куни тақдиримда туб бурилиш бўлди. Мен ўтирган столнинг қарама-қарши томонида бир қиз ўтирган экан. Уни кўриб хушимни йўқотдим. Қарамай дейману, нигоҳларим ўзимга бўйсунмасди. Шунчаки танишган бўлдик. Маълум бўлишича, у уйланаётган дўстимнинг узоқ қариндоши, хозирда Тошкентда яшашаркан. Тасодифни қарангки, у ҳам Тош-МИда биринчи курсда ўқиркан. Фақат гуруҳимиз бошқа бўлгани учунми унга кўзим тушмаган ёки тушган бўлса ҳам эътибор бермаганман. Тўй якунида у билан ўқишда учрашишимизни айтдим. Ўқишга келиб, Зухра билан яқиндан танишиб олдим. Самийи дўстона кунларимиз бошланди. Кутубхоналарга бирга борадиган, туғулган кун, байрамлар-

ни бирга нишонлардик. Лекин кўнглимизда ғаразли ният йўқ эди. Орамизда қандайдир сирли ришта бор эдию, уни на мен ва на у ошкор қилолмасди. Орадан икки йил вақт ўтди.

Ёзги таътилда уйга борганимда ота-онам ўртага олиб, мени уйлантириш ниятида эканликларини айтишди. Мен тутқич бермасликка ҳаракат қилдим. Ўқишга қайтаётганимда онам: "Ўғлим, тенгдошларинг бирин-кетин уйланыпти, сени ҳам бошингни икки қилиб кўймасак

ни қайдан биласан. Гап битта, шу қизни оласан", - деб туриб олдилар. Оғзимдаги гап оғзимда, бўғзимдаги гап бўғзимда қолди. Ҳафта ўн кун ичида қаср-қусур тўй ҳам бўлиб ўтди. Тўйга курсдошларимни айтишга чўчидим. Чунки Зухра эшитиб не аҳволга тушишини уйладим. Уйга бўйдоқ келиб, ўқишга хотинли бўлиб қайтдим. Зухра эса бу гапдан хабарсиз эди. Хотиним Жиззаҳда қолди, мен Тошкентга ўқишга қайтдим. "Бу гапни Зухрага қайси тил билан айтаман.

бордим. Хотиним мени хушламайгина кутиб олди.

Кечки ош-овқатни еб бўлганимиздан кейин оила аъзоларимиз ўз хоналарига тарқалишди. Мен ҳам хотиним билан ўз хонамизга кирдик. Телевизор қулогини бураб, диванга ястаниб ҳордиқ чикарарканман, хотиним альбомни олиб келиб ёнимга ўтирди. Менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, биргалашиб альбомни кўра бошладик. Альбом қатидан биз тўртбешта талаба бирга тушган расминимиз чиққанда, хотиним менга юзланиб: "Мана бу биз кинода ёнма-ён ўтирган қиз эмасми?" - деб, суратдаги Зухранинг расмини кўрсатди. Мен довлараб қолдим. "Мени бир нарса икки ҳафтадан бери ажаблантиради. Сиз бу қизни ўшанда танимаганга олдингиз. У ҳам ўзини шундай тутганиди. Суратда эса ёнма-ён турибсизлар, очигини айтаверинг. Сиз бу қизни ростдан ҳам танимайсизми?" - деди кўзларимга тикилиб. Мен ҳеч нарса демай ўрнимдан туриб ташқарига чиқдим.

Ой судтай ёруғ, салқин шабода эсиб турган бўлишига қарамай, менга ҳаво етишмаётгандай чуқур-чуқур нафас олардим. Юрагим қафасга тушган қушдай типирчилаб урарди. Ховлидаги сўрига бориб ўтирдим. Онам ошхонадан нималарнидир тикир-тикир қилиб чиқиди, мени кўриб ёнимга келиб ўтирди. Мен ерга қарадим. Онам: "Тинчликми болам, нимага бу ерда кўйлақан ўтирибсан?" Елканга чопонни ташлаб чиқсанг бўлмасиди. Ҳаво салқин, шамоллаб қолишинг мумкин", - дедилар. Мен чурқ этмадим. Онам энгашиб юзимга қараб: "Нимага жимсан, нима, хотининг билан ораларингдан бирор гап ўтди?" - дедилар қафтлари билан юзимни ўзларига қаратиб. Онамнинг гапига бошимни йўқ ишорасини қилиб, қимирлатиб жавоб бердим ва: "Онажон, ҳеч гап ўтган эмас, шунчаки очиқ ҳавога чиққим келди-да. Сиз хавотир олма тинчгина бориб ётинг", - дедим зўрма-зўраки жилмайиб. Онани алдаб бўлармиди. Онам орқасига қарай-қарай ўз хонасига кириб кетдилар. Этим жўнжикиб, мен ҳам ўз уйимга йўл олдим. Уйга кирсам, хотиним ётиш жойини хозирлаб қўйибди. Стол устида альбом ва Зухранинг расми бор 3-4 та сурат бурда-бурда қилиб йиртилиб, сочилиб ётарди. Хотиним аллақачон ўз ўрнига кириб ётган экан. Индамай ечиниб ўз ўрнимга кириб ётдим. Хотиним иккаламизнинг орамиздан баланд бир девор пайдо бўлди шу кеча. Бу ҳаётимнинг иккинчи бурилиш нуқтаси бўлди.

Шундан кейин орамизга қундан кун, ойдан-ой, совуқчилик туша бошлади. Бир томондан оилам бузилиб кетишидан, эл орасида шарманда бўлишдан ваҳимага тушсам, иккинчи томондан узатган кўлларим етмаган қоядаги лола - Зухранинг келажақдаги тақдирдан ташвишда эдим. Ўқишни ташлаб, автокорхонага яна ишга қайтдим. Мақсадим оиламни сақлаб қолиш ва пок муҳаббатимга доғ тушурмаслик эди. Кеча-кундуз таксиди ишлаб анча-мунча пул тўпладим. Нима қилиб бўлмасин, оилами Тошкентга кўчириб келиб тинч-тотув яшамоқчи бўлдим. Яхши ишлаганим ва оилам борлигини ҳисобга олиб, ишхона тамоғидан уч хонали уй беришди.

(Давоми бор)

Азизнинг дил изҳорини оққа кўчирувчи Т.НОРИМОВ



бўлмайди. Яна ўқишдан бирортасини етмаб келма. Келинни ўзимиз топиб қўйганмиз", - деб айтди. Бошимдан бир челақ сув куйгандай аҳволга тушдим. Онамга: "Ойижон, ҳали уйланмайман. Ўқишни битирай, ишга жойлашай, кейин нима десаларингиз розиман", - деб, гапни пайсалга солмоқчи бўлдим. Лекин онамнинг қатъий нигоҳлари олдида дош беролмай, бор гапни айтдим. Онам: "Бўпти, ўша топган оймчангни холанг иккаламиз бориб кўрамиз. Агар бизга маъқул келса уйланасан, йўқса бизнинг айтганимиз бўлади", - дедилар.

Мен Зухра онамга юз фоиз маъқул бўлишини ўйлаб, суюниб кетдим. Тошкентга қушдай учиб келиб, Зухрага бу хабарни етказдим. Тез орада онам билан холам келишди. Қизнинг уйига совчиликка бориб, унинг ота-онаси билан танишишди. Лекин чувчарани хом санаган эканман, онам билан холам: "У қиз бўлмайди. Оиласи бизга маъқул бўлмайди", - деб айтишди. Навбатдаги таътилга борганимда ота-онам ўз айтганларини қилишди. Бир қиз билан учрашишимни, маъқул келса ҳам, келмаса ҳам ўша қизни келин қилишларини айтишди. Учрашувга чиқдим. Келишилгандай у қиз жиянини боғчага олиб борадиган, мен уни йўлда кутиб турадиган бўлдим. Қиз боғчага жиянини қўйиб чиқди. Мен уни йўлда кутиб турдим. У билан саломлашиб: "Биз бир-биримизни яхши билмаймиз, бирор жойга ўтиб гапласанг", - десам, қошларини чимириб: "Гапингиз бўлса шу ерда гапираринг, мени сиз билан валақлашиб ўтиришга вақтим йўқ", - деди. Ҳафсалам пир бўлди. "Бўпти, унда мен ҳам бекорчи эмасман. Менинг ҳам қиладиган зарур ишим бор", - деб бурилиб кетдим. Уйга келиб: "Ойи, у менга тўғри келмайди. Кўрс экан. Юрагим "жиз" этмади", - дедим. Ойим: "Ҳа, энди қиз боланинг номи бўлади-да. Сен қизнинг яхши-ёмо-

рингиз тинчми, нимадандир изтиробдасиз. Мени дўст билсангиз, дилингниздагини тўкиб солинг. Шодлигингизга ҳам, гамингизга ҳам шерикман", - деди. Шу куни бор гапни унга айтдим. Ўша кундан бошлаб ой жилмаймайдиган, юлдузлар чақнамайдиган, ҳаёт бир жойда тўхтаб қолгандай эди назаримда. Зухра гапларимни индамай эшитиб: "Хафа бўлманг Азиз ака, мен сизни тушуниб турибман. Сизга осон эмаслигини сезиб турибман", - деди. Лекин битта талаб қўйди. Мен хотинимни қайси йўл билан бўлмасин унга кўрсатишимни илтимос қилди. Мен рози бўлдим. Учрашув жойини келишиб олдик. Мен кинога учта билет оладиган ва белгиланган кун хотинимни Жиззахдан олиб келиб кинотеатрда кўрсатадиган бўлдим. Белгиланган муддатда кинотеатрга хотиним билан бордик. Кино бошланишига ярим соатча вақт бор эди. Зухра барвақор келиб, ташқаридаги бўш ўриндиклардан бирида бизни келишимизни кутиб турган экан. Уни кўриб кўзимдан ўт чақнаб кетгандай бўлди. Ёнида бўш жой бор экан. Менинг энг катта хатоим, хотинимни ўша ўриндикка бориб ўтиришга ундадим-да, ўзим чекишни баҳона қилиб ташқарига чиқдим. Зухра зимдан бунни кузатиб турганди. Хотиним иккаласи танишиб олишибди. Зухра хотинимни танийди, лекин хотиним уни кимлигини хаёлига ҳам келтирмаган. Кинозал эшиги очилиб, ҳамма ичкарига кира бошлади. Мен олган билетлар кетма-кет рақамда бўлгани учун, Зухра айнан хотинимнинг ёнига келиб ўтирди. Шунда хотиним бу ҳолни ярим тасодиф, ярим ҳадик билан қабул қилган бўлса ажабмас. Эртаси куни хотинимни автобусга чиқариб уйга кузатиб қўйдим. Менга шундай туюлди, ўша кун у алланечук хомуш эди. Орадан икки ҳафта ўтиб Жиззахга

Инсон ҳар хил саргузаштларга дуч келаркан. Мен ҳам ҳайдовчи бўлганим боис кўп нарсаларни кўрдим, гувоҳи бўлдим. "Юрган дарё, ўтирган бўйра", - деганлари шу бўлса керак-да.

Бир куни Сурхондарё вилоятининг Узун туманидан хизмат

чак турибди. Унинг қош-кўзлари попуқдек, либослари ҳам ўзига ярашиб турарди. Хали замон юз-кўллари ювгани шундоққина билиниб турибди. Шунда нима бўлганини сўрадик. Маълум бўлишича, булар Самарқанддан Жиззах шаҳрига бориш шу машинага чиқишган экан. Йўлда

кинг. Мен бу ерда ечиниб турман, бўлмаса уялман", - дейди. Йўлда ҳайдовчи машинанинг галадонидан сигарет олаётганда, келинчак галадонда пичоқ борлигини пайкаган экан. Келинчак ечиниб, пичоқни кўрпа остига қўяди.

Кўрган-кечирганларим

Сўнгра ҳайдовчи: "Чиқинг", - дейди. Ҳайдовчи чикса, келинчак ечини ётибди. Шахват оловида ёнаётган йигит келинчакка ёпиша кетади. Шунда келин кўрпанинг тагидан секин пичоқни олади-ю, йигитни вас-васага солаётган "иккинчи юраги" - жинсий аъзосини ушлаб туриб, шартта таг-туғи билан кесиб ташлайди. Жон ширин... Уйлиш муқаррарлигини билган ҳайдовчи катта йўлга чопиб чиққанда биз келиб қолган эканмиз. Камаз жойида қолди, келин билан кампирни катта йўлга олиб чиқиб, бир машинага ўтказиб юбордик. Гувоҳи бўлганимиз воқеани ДАН ходимларига айтдик. Лекин охири нима билан тугади, билмаймиз. Шу ҳайдовчи тиррик қолган бўлса, хотин зотининг "х" ҳарфини эшитса ҳам эндиликда ўрнидан бир санчиб турса керак. Бирок ҳанузгача бир нарсани сира тасаввур қилолмайман. Келинчак бундай жасоратни қаердан олган экан?

Бир кўшним бўларди. Иسمи Халимжон. Кўшнимисан - кўшни. Ҳеч кимга озор бермасди. Касби электр ва газ пайвандчи бўлиб, ўз ишининг устаси эди. Иш билан мурожаат этсак, ҳеч қачон

дан олдинроқ ишхонасидаги ҳамкасблари, ишчи-хизматчилар ҳам келишди. Меҳмонларни кутиб олиш менга топширилгани учун, кириб чи-роқларни ёқиб, меҳмонларни уйга таклиф қила бошладим. Шунда икки ҳамкасби останада туриб, қандилни бир-бирига кўрсата бошлади. Мен ҳайрон бўлиб, бун-

ҚИҒИР ИШНИНГ ҚИҒИРИ

дай чироқни умрларида кўрмаганми, деб ўйладим. Шу пайтда уй эгаси келиб: "Қани, ичкарига", - деди-ю, кип-қизил лаваги тусига кирди. Ҳамма ичкарига кириб жойлашди, ўйин-кулгу бошланди. Ичкилик, табриклар жаладай ёғилди. Кейин билсам, Халимжон шу чироқни неча йил бурун корхонадан ўғирлаб олиб келган экан. Чироқ ўғирланганда корхонада мажлис ўтказилган, сўраб-суриштиришлар бўлган, лекин ўғри топилмаган. Шунда мажлис аҳли бир қарорга келиб, ўғирлик билан "ўтириб" чиққан бир ходимни ишдан ҳайдашиб, чироқни ҳам уни бўйнига қўйишган экан. Қиғир ишининг қиғири қирқ йилдан сўнг ҳам биланади", - деганларидек Халимжоннинг қиғир-пойидан хабар олиб туришимни илтимос қилди. Кеч соат 6 ларда келинлар келмас-

ШАЙТОН

сафаридан қайтаётиб, Самарқандда овқатланиб, пешин пайтда йўлга тушдик. Фаллаоролга бироз қолганда, йўлнинг ўнг тарафидан бир эркак ички кийимда, ҳамма ёғи қон ҳолда югуриб чиқиб келди. Тезда машинани тўхтатиб, ёнига бордик. "Мени бирорта машинага ўтказиб, бу ердан кетишимга ёрдам беринглар", - деб илтимос қилди. Биз ҳам ҳеч нарсага тушуна олмай, битта энгил машинани тўхтатиб, уни миндириб юбордик. Бир-икки машина ҳам тўхтади. Ҳаммага жон ширин, нима бўлганини билиш учун бояги йигит югуриб чиққан ховлига уч-тўрт киши бўлиб бордик. Борсак битта "Камаз" машинаси турибди, машина ёнида бир кампир мунгайиб ўтирибди. Машина олди тарафидан оппоқ сугта чайилгандек бир сулув келин-



Йўлдан урганда...

галлашиб, гурунглашиб келишган. Шу жойига етганда ҳайдовчи машинани ўнгга буриб: "Бироз дам олиб, кейин кетамиз", - деб ичкарига ҳайдаган. Сўнг кампирни машинадан тушириб, келинча машина ётоғига ўтишни бу-юрған. "Аёлнинг макри қирқта туяга юк бўлади", деганларидек, дод-вой қилгани билан фойда-ни йўқлигини сезган келинчак: "Сиз пастга тушиб, ечиниб чи-

қиқиб, бир машинага ўтказиб юбордик. Гувоҳи бўлганимиз воқеани ДАН ходимларига айтдик. Лекин охири нима билан тугади, билмаймиз. Шу ҳайдовчи тиррик қолган бўлса, хотин зотининг "х" ҳарфини эшитса ҳам эндиликда ўрнидан бир санчиб турса керак. Бирок ҳанузгача бир нарсани сира тасаввур қилолмайман. Келинчак бундай жасоратни қаердан олган экан?

Автобусда икки онахон ёнма-ён ўтириб пист овозда гаплашиб келишаётганди. Чиптачи аёл "ойлик чипталарингизни кўрсатинглар", - дея ёнимда тик турган 12-13 ёшли икки болага ҳам мурожаат этди. Болалардан бири ойлик чиптасини кўрсатди. Иккинчиси қизариб-бўзариб: "Бугун жисмоний тарбия дарсида кийим алмаштирадиган хонада кимдир чиптамини ўғирлаб олибди", - деди кўзлари мултираб. Аёл бироз тикилиб турди-да, индамай ўпи кетди. Онахонлардан бири: "Вой бечора болам-ей, энди уйга бориб нима дейсан? Хойна-ҳой ота-онанг уришса керак", - дея бошини сарак-сарак қимирлатиб, ачинган бўлди. "Менинг ҳам набирам ҳали рункаси, ҳали қаламини йўқотиб келади", - гапни илиб кетди иккинчи онахон. Онахонлар ўзлари ўқиган даврларни эсга олиб бири қўйиб, бири гапирарди. Автобус эски ТошМИнинг ёнидан ўтаётганда болакайнинг аҳолига ачинган биринчи онахон бир энтиқиб ташқарига шиора қилиб сўз бошлади: "24 йил шу кўчаларни сугурганман. Ҳалиям баъзида тушларимда кўча сугуриб юрган бўламан. 6 та боламини кўча сугуриб боққанман. Худога шукр, ҳалол едириб, ҳалол кийдирганим учун, ҳаммаси тўғриси, бировнинг ҳаққига хиёнат қилмайдиган, соддадил бўлиб ўсиш-

ди. Ҳозир ҳам эллиқдан ошган ўғлим чизган чизигимда юради. Келинларим анча тетик. Уйларим жуда содда. Бировга ёрдам берса беради, ўз фойдаси-ни кўзлаб иш юритмайди. Мен тушадиган бекат ҳам тобора яқинлаша бошлади. Ниҳоят автобусдан тушдим. Онахонлар яна нималар ҳақда гаплашиб кетди экан, бу менга қоронғу. Ҳар қалай тўғрилиқ, ҳалоллик мавзусида гаплашганлари аниқ. Уларнинг гаплари автобусдаги айрим йўловчиларнинг энсасини қотирган бўлиши ҳам мумкин. "Тўғри гап туққанингда ҳам ёқмас", - деб бежиз айтишмаган-да. Менинг қораламаларимни ўқиб: "Битта ойлик чиптаси йўқолса йўқолибди-да, шунга ҳам ота гўри-ю, қозихонами, одам йўқолиб бораёпти-ю!" - деган гаплар кимларнингдир кўнглидан кечди. Шундай деб ўйлаган бўлигим ҳам. Зурриёд сизники, яхшими ёмонми бошдан қандай учирма қилсангиз эртага раҳмати ҳам, лаънати ҳам ўзингизга келиб тегади.

Кулоққа чалинган гаплар

Кечкурун эрим билан меҳмондорчиликдан келаятсак, биздан беш-олти қадам олдинда иккита қиз гаплашиб борарди. Узимиз хоҳламаган холда уларнинг сўхбати кулогимизга чалина бошлади. - Кеча мени унаштириш маросими бўлди. Тўй куни ҳам белгиланди. - Куёвни кўрдингми? - Кўрдим, келишган йигит экан. Молия институтини битирибди. Зўр жойда ишларкан, топиш-тутиши ҳам яхши. Яхши эр бўла олади, лекин бир томони борки, у мени қандай қиз эканлигимни билмайди. Агар билиб қолса, шундай эрдан ажраб қоламан. Кейин мени ҳеч ким олмайди. Ота-онам ҳам шарманда бўлади. Энди нима қилсам экан-а? - Биласанми, мени битта таниш гинекологим бор. Сени тўйдан 3-4 кун олдин ўшанинг ёнига олиб бораман. У сени онаси ўлмаган қиздай қилиб қўяди. Шу билан эринг олдида юзинг ёруғ бўлади. Ота-онанг ҳам бу ҳақда ҳеч нарса демагин. - Агар иложини қилолмасан-чи? - Пул бўлса чангалда шўрва. Иложсиз нарсанинг ўзи йўқ. Мана мен ҳам шундай қилганман. Ҳозир эрим билан бино-

СОХТА ҚИЗ

идек яшашман-ку. Сен ҳам эрингни кўнглини шундай олгинки, у сендан бошқасига қаролмайдиган бўлсин. Ана шу билан марра сеники. Уларнинг бу гапларини эшитиб лол қолдим. Турку таловати қандай қизлар экан бир кўрайлик деб, тез-тез юриб улардан олдинга ўтдик. Қарасам бинойидек қиройликчина қизлар экан. Шунда мени ваҳима чулғади. Чунки мени ҳам ўғлим бор. Унга ҳам яхши бир қиз топиб уйлантирадиган пайт келганда, у қизнинг яхши ёки ёмонлигини қаердан биламан. Қуйиб қолишдан қўрқиб қолдим. Агар қизлар ёмон йўлга кириб, кейин яна бемалол йўлини топиб эрга тегиб кетаверилса, бу ёки қандай бўларкин? Бу кетишда яхши кизларни қандай фарқлаймиз? Қизи бор ота-оналар уларнинг тарбиясига кўпроқ эътибор беришлари лозим. Қандай қизлар билан дугона эканликларини, шаерларга боришлари, нима иш билан шуғулланаётганликларини назорат қилишлари керак. Гинекологлар-чи, уларнинг виждони қийналмасмикин? Худо олдида жавоб беришларини ўйлашармикан.

Дилафруз КАРИМОВА

Бекатда автобус кутардим. Истараси иссиқ, бир кекса аёл беҳтиёр диққатимни тортди. У жуда-жуда таниш кўринарди. Аёл энгилгина шилпак кийиб олган, қўлидаги ҳассасга суяниб турарди. Унга тикилаётганимни кўриб аёл жилмайди. Шунда бирданига уни таниб қолдим. У бир пайтлар жуда машур балериналардан эди. Оёқларининг учи саҳнага тегиб-тегмай шундай рақсга тушардики, худди қўлда сузаётган оққушга ўшарди. Унинг ёнига келиб: - Кечирасиз, сиз ўша ... опамисиз? - дея сўрадим. У ҳассасига суянган қўйи қўлидаги шоколадини очиб, ярмини менга узатаркан: «Ҳа, ўша аёлман. Таниганингиз учун жуда хурсанд бўлдим. Бир пайтлар одамлар мени кўришса ўраб олишиб дастхатимни олиб қолишга ҳаракат қилишарди. Энди эса...» - У ўтиригиларда кексаларга жой бе-

ришни ҳаёлига ҳам келтирмай ўтирган ёшларга бир қараб қўйди. - Мен ҳам бир гал. Сиздан дастхат олмоқчи бўлганим у навбат етмай ёнингизга ҳам яқинлаша олмаганим, - дедим. - Дастхатимни энди қўйиб берсам-чи? - деди у жилмайиб. Мен унинг нозик қўлла-

ришни ҳаёлига ҳам келтирмай ўтирган ёшларга бир қараб қўйди.

СОҒИНЧИ... Йўл-йўлакай сўхбат

рига ён дафтарчамни тутдим. "Ёшлиқ ҳам, гўзаллик ҳам, соғлиқ ҳам ўткинчи... Яқинларингизнинг меҳри ўткинчи бўлмасин", - деб ёзиб берди. - Уйга кетаяписизми? - деб сўрадим. -Йўқ, ишга, театрга... Қизларга балет сирларини ўргатаман, - деди; у. Ҳадемай 1-ракамли автобус кўринди. Сўхбатимиз узалди. Ҳамсўхбатимнинг сумкаси ва ҳассасини кўтариб, автобусга чиқишига ёрдамлашиб юбордим. Автобус кўзгаларкан у менга қўл силкиб қўйди. Кўлимда у берган бир булак шоколад билан турарканман, ўша кунлар, болагим, санъаткорнинг юлдузли, ёшлик онлари соғинч қўзларимдан тўкиларди. Вақтнинг жуда бешафқат эканлигини кўнглимдан кечирдим.

ХАМИДА.



Халима опа эри билан келишиб олганларидек, тўй ҳақидаги гапни тушликдан сўнг очмоқчи эди. Бироқ, қараса, ўғли овқатини ҳаш-паш дегунча тушириб бўлиб, жуфтакни ростлаб қолапти. Шунинг учун бирдан ўғлининг кўлидан тутди-да: "Ўтир сенга гап бор", - деди хиёл кулмасираганча. Энди туриб кетмоқчи бўлиб турган ўғил бир отасига, бир онасига ҳайратомизи қараш қилди-да, гап нимадалигини англай олмади шекилли, яна боягина овқатланган жойига чўкка тушди.

Она барибир она-да, овқатини бир четга суриб, турмуш ўртоғига кўз қирини ташлаб қўйди-да, гап бошлади:

- Ўғлим, мана Университетни ҳам тамомадинг. Шу десанг, биз ҳам ният қилгандик. Энди сенинг бошингни иккита қилиб қўймоқчимиз.

Шу пайт бир четда қимтинибгина ўтирган синглиси "пик" этиб кулиб юборди. Салимнинг эса юраги тез-тез уриб кетди. Юзи қип-қизил тусга кирди. Лекин шундай бўлса-да, гапни ҳазилга буриб, ноқулай вазиятдан чиқиб кетмоқчи бўлди:

- Э, кўйсаларингиз-чи. Хали ёш бўлсам, уйланиш қочиб кетмас, - деди, гарчи ичида жон деб турган бўлса ҳам.

- Қанақасига ёш бўласан, - жаврай кетди онаси. - 24 ёшга кириб, ёшман дейишга уялмайсанми? Сен тенгиларнинг барчаси бола-чақали бўлиб кетишди. Сен эса бир оғиз уйланаман демайсан-а.

Орага бир муддат сукунат чўмди. Ота-она нигоҳларини фарзандларига қадашди. Ўғилнинг кўзлари эса ер чизиш билан овора эди. Шу пайт сўз навбати ўзиники эканлигини, хотинининг имо-ишорасидан англаган Ҳолмат ака ҳам гап бошлади:

- Ўғлим, нега йўқ дейсан. Кўнглингни оч. Биз ҳам набирали бўлсак деймиз. Бизни ҳам боғлаб берманган. Сен ўзингдан кўпайиб, бахтингни топишинг, бизнинг бахт-саодатимиз. Қолаверса, бош фарзандимизсан.

Бироқ Салим одоб юзасидан барибир ўзини пайсалга солиб турарди. Вазиятдан чиқиб кетишининг ягона йўли деб, кетиб қолишини ўйлади ва туриб кетмоқчи бўлди.

Аммо табиатан анча баджаҳл бўлган Ҳолмат аканинг "Ўтир!" деган амирона буйруғи янгради-ю, Салим унга сўзсиз бўйсиниб (ўзи ҳам шуни истаётганди) яна кўрпачанинг бир четига қисилибгина ўтириб олди.

- Танлаганинг бўлса айт, тортинма, бу ҳар йилгитнинг бошида бор савдо, - деди онаси гапида давом этаркан, нигоҳларини ўғлига қадаганча. Салим энди каловалини туриш ҳам ортиқча эканини ҳис қилди. Шу сабаб қизариб-бўзариб: "Ҳозирча йўқ", - дея олди халос.

Ота-онаси бир-бирига маънодор қараб қўйишди. Салим уларнинг қарашларидан "йигитмисан ўзи", деган маънони ўқди.

- Шариф аканинг қизига нима дейсан, - ота вазиятдан чиқиб кетиш учун ўғлини ўзига қаратди.

- Қайси Шариф ака?

- Хув, муюлишда туради-ку! Менимча, қизинг исми Дилфуза. Нима бало синфдошингни танимай қолдингми?

Салим энди ўзини қопқонга тушган сичқондан ҳам баттар хароб аҳволда сезди ва секингина орқасига тисарилиб, хиёл бошини кўтарганча, "ҳаммасини сотибсандан", дегандек синглисига ёв қараш қилди.

- Нима дейсан, гапир! - Онаси ҳам гапга қўшилди, турмуш ўртоғига чой узатаркан.

лим ҳам уларнинг даврасига қўшилиб олгач:

- Э, кел-кел, - деб уни ҳам суҳбатга тортишди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгандан сўнг биринчи бўлиб Ҳадича момо наварасига юзланиб гап бошлади.

- Ўғлим, сен менинг бош набирамсан. Менинг ҳам мана кўриб турибсан, бир оёғим шу ерда бўлса, биттаси гўрда бўлапти. Қаричилик-да энди, нима қилай? Энди битта тила-

кетди. Ҳеч қандай куч уни бу ерда ушлаб қола олмасди. Хўрлиги келиб ташқарига чиқди-ю, йиғлаб юборди.

Она бечора эса: "Ўғлингизга қарангиз-чи", - деб хаёллар дарёсида чўмилаётган Ҳолмат акани тўртганча қолаверди.

Ҳолмат ака бекорга ўйга чўммаганди. У ўзининг беқарор ва куракда турмайдиган ёшлиғи, гуноҳга ботган, фақат ўзигагина аён бўлган мударҳиш тунни хотирларди. Юқорида тилга олинган Дилфузанинг ақли заиф холаси Малика ёшлиғида бундай эмасди. Ҳозир айтиб ўтилган воқеа эса улар 9-синфда ўқиётганларида, айна пахта териш мавсумида рўй берганди...

Кун ботар вақти эди. Ҳолмат ва унинг 3-4 та ҳамтовоғи пахта термагани учун пахтазорда яшириниб туришарди. Шу пайт улар ўзлари томонга келаётган қизил қўйлақли қизни кўриб қолишди. Бу - шубҳасиз Малика эди. Унинг рўмили пахта терган жойида қолиб кетган шекилли, пахтасини тортириб бўлиб, уни олиб кетгани ёлғиз келарди. Йигитчаларнинг йигитлик хирси ўйғониб кетди. Қўйлақларини ниқоб қилиб бошларига ўрашди-да, ўлжани кута бошлашди. Анча доворак бўлган Малика бамайлихотир аллақандай қўшиқни хиргойи қилиб келарди.

Ифлослар (Ҳолмат ҳозир ўзини ҳам шу сўз билан ҳақорат қилапти) беозор қизчага ёпишишди. Бири кўлидан, бири оёғидан ушлаб, ҳаммалари мувозанатни йўқотганча пахтазорга йиқилишди. Тўғри, улар қизнинг номусига тегишмади, бироқ шу-шу Малика кечалари йиғлаб чиқадиган, кундузлари тентираб қаёқларгадир кетиб қоладиган одат чиқарди.

Айтишларича, уни жин-ажиналар чалиб кетганмиш. Аввал ҳам бир эркак ва бир аёл ўзидан-ўзи шунақа бўлиб қолган экан. Қизни кўрсатмаган дўхтир ва табиб қолмади. Лекин бари бефойда кетди. "Жинойатчи"ларни эса Худонинг ўзи жазолади. Ҳолматни машина уриб кетди. Ҳалиям оқсоқланиб юрибди. Яна бири ўзидан-ўзи вафот этди. Бошқаси эса тузалмас дардга мубтало бўлди.


Ҳолмат кўп бор ичи ачигандан: "Маликага уйланаман", - деб кўрди. Лекин ота-онаси қатъий равишда "Йўқ!" - деб унинг йўлини тўсишди. Юқорида Малика ҳақида гап очилганда ҳаммалари унга бир-бир разм солишларининг сабаби ҳам ана шу эди. Ҳамма ўшанда Ҳолматни, Маликага чиройи учун уйланоқчи бўлган, деб ўйларди. Аксинча Ҳолмат ўзини унинг олдида гуноҳдор биларди. Бугун эса ўғли ўша ўзи томонидан ақлий ногирон қилиб қўйилган қизнинг жиянига уйланоқчи.

-Уйланасан, ўғлим уйланасан! - деб пичирлади, ота, - Мен учун ҳам, ўзинг учун ҳам уйланасан. Уни албатта бахтли қиласан! - Бу бир умр виждон азобиде қўйналиб келаётган отаизорнинг сўнгги қарори эди.

Иномжон АБДИЕВ, талаба.

ТАҚДИРИ

ҲИКОЯ



АВАЛ

Бу вақт Салимнинг ичида шодлик тугғени авҳига чиққанди. Лекин ташқи кўринишида анча хотиржамлик кўзга ташланарди. Ички хурсандчилиги ошқор бўлиб қолмаслиги учун: "Уларинг биласизлар", - деди-ю, ўрнидан туриб ўзини эшикка урди. Хайриятки, бу сафар уни ҳеч ким тўхтатиб қолмади...

Кўчага чиқди-ю, тўйиб-тўйиб ҳаво симирди. Энди унинг қувончи ичига сизмасди. Шодлигидан бақириб-чақириб осмонга сакрагиси келиб-кетди. Ўзиям ўртоқлари "қачон уйланасан", деб холи жонига қўймаётганди. Баъзиларининг эса: "Бу қиз, уйига совчи келишини кутаяпти, яқинда эрга тегиб кетса ҳам ажабмас, қаранглар қандай хушрўйгина", - деб аския қилишлари унинг жаҳлини чиқарарди. Мана энди ўртоқларини баралла тўйига таклиф қила олади.

Салим ўзи ёшлигидан анча нимжон ва содда бўлиб ўсди. Тинимсиз касал бўлавериши уни шу аҳволга солиб қўйганди. Мана ўша бўш-баёв йигитча бугун "уйланаман", деб турибди. Қувончдан юраги ҳалқириб қинидан чиқиб кетаман, дейди.

Лекин кечга яқин дўстлари билан учрашиб бўлиб, уйига кираркан, хайратдан лол қолди. Худди тўй бугун бўладигандек, амма-холаларидан тортиб, тоға-амакиларигача уларникида тўпланиб туришган экан. Ниҳоят Са-

гапириб юбординг", дегандай қизига улар кўрайд қараб қўйди-да, сўзини уиб кетди:

- Шунинг учун бошқа қизни айтсанг, биз шунга қараб иш тутамиз. Бугун бу ерга тўпаланишимиздан мақсад ҳам шу эди. Атрофдагилар ҳам "ҳа-ҳа" деб онахоннинг сўзини маъқуллаган бўлишди. Салим эса ўзини тамоман йўқотиб қўйганди. Шунинг учун таназидаги бор кучини тилига тўплади-да, базўр гўдранди:

- Нима, мен холасига уйланаман, де-япманми?

Жиянининг қизишиб кетганини кўрган амакиси ҳам гапга аралашди.

- Қизишма, қизишма жиян. Ана отангга қара. (Ҳамма Ҳолмат акага ялт этиб қаради. Бундан Ҳолмат аканинг ўзи ҳам хижолат тортиб қолди). Чап юзида нўхатдай хол бор. Бу хол катта бобонгда ҳам бор эди. Бунақа нарсалар авлоддан-авлодга ўтади. Бизни тўғри тушун, жиян. Сени севганингдан ажратмоқчи эмасмиз. Бола-чақанг, соғлом бўлиб, бахтли бўлишингни истаймиз.

Лекин Салимнинг қулоғига гап кирмасди. Бир неча дақиқа олдин ёнгинасида турган севгилисига, энди ундан узоқлашиб борарди. Шунинг учун аламлидан: "Бўлмасе, мен уйланмайман", - деди-ю, шарт ўрнидан туриб чиқиб

Раҳматли Ниёзхон акам оилалари билан Шаҳрисабзда қабристон яқинидаги ҳовлида яшардилар. Келин-келиндан Турсунбойнинг ҳикоя қилишларича, бир куни қабристонда бексаранжомлик сезилиб қолибди. Ногаҳон гўрковлар ва майитнинг 3-4 қариндоши қабристондан қочиб чиқишди. Бирпасда маҳалладан одамлар тўпланишди.

Айтишларича, гўрковлар қабр қазилса, у ердан чиққан арилар галаси кўз очиримайди, уларни талабди. Бошқа жойдан қабр қазилгани бошлашди. У ерда ҳам шу хол тақдорлариди. Учинчи... тўртинчи марта ҳам арилар галаси қабрга яқинлаштирамади. Эртаси куни ҳам шу аҳвол эмиш...

Хуллас, қоронғуда арилар "даф" бўлар, деб, дафн маросими кечга қолдирилибди. Кечкурун қабристон 2-3 та машинанинг катта чироқлари (прожек-

торлар) билан ёритилиб, қабр қавланибди. Таажжубники, арилар бу гал ҳам бўлишган эмиш. Ахйир бу синоатнинг тағига етиш учун шаҳарнинг билимдон домласига одам жўнатишибди. Домла эса

ЖОНИМИЗГА ЯРАТГАННИНГ ЎЗИ ҲУҚМДОР

майтнинг кимлигини, қандай ўлим топганини суриштирибди. Дафн этиладиган одам - ёшгина келинчақ бўлиб, эрининг хиёнатига чидалмай, ўз-ўзини ўт қўйган-жонига қасд қилган экан...

Бу гапни эшитган домла бошини сарак-сарак қилганча, бир зум тин олибди-да, қабристонга бориб, 1 соатча аллақандай дуоларни ўқибди. Мўъжиза рўй берибди - арилар ўз-ўзидан ғойиб бўлишди. Ўша

куни минг азоб билан жасадни "ерга қўйишди"...

Кейин домланинг айтишича, ўз жонига қасд қилиш кечирилиб бўлмас гуноҳи азим экан. Жон берган Эгам, уни олишга ўзи буйруқдорлигини одамларга яна бир бор эслатиб қўйибди...

Уйлаб қоламан, ҳанузки, инсон ўз жонига ҳукмдор эмас экан, биронинг ҳаётига зомин бўлаётганлар келажақда ўзларини қандай "дахшат" қутаётганлигини билишармикан?



САНОБАР, Тошкент шаҳри.

ЖИГАР ХАСТАЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШДА

БЎЗНОЧ

Ўсимлик гули дамламаси куйидагича тайёрланади: 200 мл. қайноқ сувга 15 грамм ўсимлик гулидан солиб, 30 дақиқа дамланади. 100 мл. дан таомдан олдин кунига 2 маҳал ичилади. Бўзноч гули ўт (сафро) ажралишини кучайтиради, меъда ва меъда ости безлари фаолиятини бир мунча оширади. Пешобни ҳайдайди, қон босимини оширади.

Бўзноч гули ўткир ва сурункали жигар хасталикларига эм бўлади. Сарик касалида, холециститда, ангиохолитда қўлланилади. Ўт-тош хасталигида кумларни, майда тошларни ювишда қўлланилади.

Халқ табобатида бўзноч гули энгил сурги дори сифатида ҳам тавсия этилган. Унинг дамламаси қон тўхтатувчи ҳамда гижжаларга қарши ишлатилади. Бўзноч гули шу билан бирга, турмушда кийимларни куялардан сақлашда фойдаланилади.

ДАЛА МАЛИКАСИ


Халқимиз маккажўхорини ана шундай атайди. Маккажўхори попуги табобатда қадрланади. Унинг дамламаси ўт (сафро) ҳайдовчи ва қон тўхтатувчи таъсирга эга. Дамламаси жигар хасталикларига, ўт йўлида, холецистит, холангит, ўт пуфагида сафро димланиб қолишида, гепа-

тит, сарик касалида шифо бўлади. Унинг таъсирида ўт ажралиши кучаяди, қондаги билирубин салмоғи камаяди, ўт (сафро)нинг солиштирма оғирлиги камаяди. Попуги, қовурилиб асалга аралашган сўталари қон ивишини тезлаштиради, пешоб ҳайдайди, моддалар алмашинувини маромига келтиради.

Ўй шароитида тайёрлаш учун маккажўхори попугидан 3 ош қошиқ олиниб, 300 мл. қайноқ сув куйилади, 30-40 дақиқа мобайнида дамланади. Сузлади, сўнгра 3 ош қошиқдан 3 маҳал кунига таомдан 15 дақиқа олдин ичилади. Паришонхотирликда маккажўхори мойи 1 ош қошиқдан кунига 2 марта ичилади.

КАШНИЧ

Замонавий табобатда кашнич сафро ҳайдовчи, даволаш-парҳез сифатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун 200 мл. қайноқ сувга 3 чой қошиқ мева солинади ва 15 дақиқа дамланади. Докадан сузилади. Кунига таомдан ярим соат илгари 2 ош қошиқдан жигар хасталигида ичилади.



ГИЁҲЛИ ЙИГМА ЧОЙЛАР ХОСИЯТИ

—Далачой ўти, бўймадорон ўти, мойчечак гули, наъматак меваси, қора андиз илдизи, ит-тиканак ўти аралашмаси таркиб топган йиғма. Бу йиғмадан 1 ош қошиқ олиниб, 200 мл. қайноқ сувга солинади, 30 дақиқа дамланади. Ва 100 мл.дан 3 маҳал овқатдан олдин сурункали сарик касали ва жигар циррозида ичилади.

—Бўзноч гули, бўймадорон ўти, эрмон ўти, ялпиз барги, қора зирк пўстлогидан иборат йиғма. Бу йиғма гепатит, холецистит хасталигида тавсия этилади. Йиғмадан 1 ош қошиқ олинади, 200 мл. қайноқ сувга солинади. Сўнгра докадан ўтказилади. Ярим стакандан 3 марта таомдан олдин ичилади.

—Қончўп ўти (чистотел), бўзноч гули, далачой ўти аралашмаси. Бу аралашмадан 1 ош қошиқ олиб, 200 мл. қайноқ сувга солиб, 30 дақиқа дамланади. 100 мл.дан 3 маҳал таомдан илгари ичилади. Бу шифо йиғма гепатитда фойдали.

—Наъматак меваси, далачой ўти, қичитки ўт (газанда ўти)нинг барги, ялпиз барги аралашмаси. Бу аралашма жигар хасталигида, сарик касалида, жигар циррозида буюрилади. Аралашмадан 1 ош

Йилнинг куз фаслида жигарнинг захарсизлантирувчи фаолияти сусайиб кетади. Жигар хасталикларини олдини олиш учун тикловчи омилларни ўз вақтида қўллаш керак. Тикловчи моддалар - бу дорилар бармоқ билан санарли, кам, борлари ҳам чет элдан олинади, нархи қиммат, танқис. Шу боис жигар хасталикларининг олдини олишда шифобахш гиёҳлардан фойдаланилса, айни муддаодир. Куйида жигар хасталикларини даволашда халқ табобатида қўлланиладиган шифобахш гиёҳлар хосияти борасида фикр юритамиз. Уқинг ва уқиб олинг.

ШИФОБАХШ ГИЁҲЛАР

қошиқ 200 мл. қайноқ сувга солинади, 10 дақиқа қайнатилди, икки соат мобайнида дамланади. Ярим стакандан 2-3 марта ичилади.

—Далачой ўти, мойчечак гули, тилла беш ўти аралашмаси. Бу йиғма гепатит, холецистит, холангит каби хасталикларига тавсия этилади. Аралашмадан 1 ош қошиқ олинади, 200 мл. қайноқ сувга солинади. 30 дақиқа дамланади. Ярим стакандан 2-3 маҳал таомдан 20 дақиқа олдин ичилади.

—Қончўп ўти, момақаймоқ илдизи, келин тили ўти, маккажўхори попуги, далачой ўти. Би-нафша ўти, анис меваси. Бу аралашма ўт-тош хасталигида фойдаланилади.

—Қончўп ўти, ёнғоқ барги,

цикорий илдизи. Бу йиғма холецистит, холангитда қўлланилади.

—Далачой ўти, ялпиз барги, эрмон ўти, тоғ сумбули илдизи, қулмоқ гуддалари. Бу аралашмадан 2 ош қошиқ олинади, 200 мл. қайноқ сувга солинади. 30 дақиқа дамланади. Сўнгра холецистит, холангитда ярим стакандан ичилади.

—Писта меваси ҳам жигар хасталикларига ажойиб малҳам бўла олади. Жигар тикилмаларини очиш хусусияти бор. Жигар хасталикларини даволашда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлардан дамлама ва қайнатмаларини кузда ичиб турилса, бу хасталикларда даво бўлади ва уларни олдини олади, хасталикка мубтало бўлишдан Аллоҳнинг ўзи сақлайди, иншооллох.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.



ҚОН БОСИМИ ҲАМ "МУРОСАГА"

"У ерим оғрийди, бу ерим оғрийди", - деб доим нолиб юрадиганларни кўп учратамиз. Аммо, бемор касаллиги ҳақида қанча кўп гапирса, ҳам руҳан, ҳам жисмонан ўзини шунчалик шикастлайди. Бу одатга айланган эшитувчиларга ҳам малол келади. Бу ҳолатдан қутилишнинг чораси битта. Яъни ҳар ким ўз касалини ўзи даволашга ҳаракат қилиши керак.

Айтайлик, хафақон касаллиги...

Бу хасталик айниқса, кексалар учун "урф" бўлган. Унинг фавуқулда содир бўладиган хуружлари жуда хавфли. Бу



хуружларнинг чақирувчиси эса ейдиган овқатингиз, оилавий муаммолар, иш жойингиздаги шарт-шароитлардир. Касалликни даволаш учун дорилар сони кўпайгандан кўпаяверади, кучлидан - энг кучлига ўтаверилади... Ҳам танга, ҳам кармонга зарар. Бундан қўра, ўзингизни табиий махсулотлар билан даволаганингизга не етсин! Келинг, уни биргаликда "мурося"га келтирайлик!

Дастлаб, овқатингиздаги туз миқдорини камайтиринг. Албатта бунга ўрганиш қийин кечади. Лекин кейинчалик овқатда туз асосий мезон эмаслигини ўзингиз ҳам ҳис эта бошлайсиз. Туздан чекланишингиз биланоқ кўзингиз равшанлашгандек бўлади. Шунингдек таомномангиздан ол-

мани "узмайсиз". Илоҳи бўлса бир кунда ярим ёки бир кг. олма танаввул қилишингиз керак. Шундай таом танлангки, у сиз учун ҳам озиқ, ҳам малҳам бўлсин. Бугдой бўтқаси, газ иссиқхонасида пиширилган картошка, пиёз ва саримсоқ аралаштирилган асал, лавлаги (барча турдаги), наъматак дамламаси - таомномангизнинг асосига айланса, муродимга эришдим, деяверинг. Бундай овқатланиш - хафақонлик касалини ва семизликни бартараф этади. Кўпчилик беморлар семизлик туфайли хафақон касаллигига мубтало бўлишади. Тузли овқатдан воз кечиш эса танани ортиқча ёғлардан муҳофаза қилади, инсонни янги, соғлом "ҳаёт"га қайтаради.

Бундан ташқари, 15 кун давомида куйидаги дамламани истеъмол қилиш ҳам касалликка "қиргин" келтиради:
1 стакан сўтда 2 бош саримсоқ-пиёзни юмшагунча қайнатасиз ва докадан сиздириб оласиз. Уни илиқ ҳолда, 1 ош қошиқдан кунига 3 марта, овқатдан олдин ичасиз. **Унутманг, дамламани ҳар кун янги тайёрлаш лозим.**



Яна бир даво усули

Доимо лавлаги, сабзи ва қизил шолғом ейишни қанда қилманг. Айниқса, қишда бу сабзавотларни истеъмол қилиш жуда фойдали. Улар-

ТАБОБАТИЙ ДОМА

КЕЛИШИ МУМКИН

нинг 1 стакан шарбатига 1 та лимон шарбатини ва 1 стакан асални аралаштириб, ичсангиз, ҳам касаллиқдан фориғ бўласиз. Яъни: малҳамни овқатдан 1 соат олдин, 1 ош қошиқдан, кунига 3 марта қабул қиласиз.



Бу ҳол 1,5-2 ой давом этади. Аралашмани, албатта, совутгичда сақлашни унутманг.

Хафақон касалига (қон босимига) яна бир даво усули:

1 стакан майдаланган саримсоқпиёзни ярим литр ароққа солиб, 2-3 кун илиқ жойда сақлайсиз. Сўнг овқатдан олдин, 1 чой қошиқдан, кунига 2 марта ичасиз. Саримсоқпиёз қон томирлар ишини яхшилайдиган асосий восита. Қон томирларининг рисоладагидек фаолияти эса "қон босими касаллиги" деган иборани ҳаётингиздан ўчиради, иншооллох.

Ёшингиз улғайган сайн бу касалликнинг олдини олганингиз маъқул. Иложсиз қолганда эса ўзингизни даволай олишингиз, тушунликка тушмаслигингиз керак. **Ҳаммаси ҳафсалангизга ва идрокингизга боғлиқ. Саломат бўлинг!**

С.ФАХРИДДИНОВА тайёрлади.

Фойдали маслаҳатлар

АТЕРОСКЛЕРОЗЛАРГА... ЖАНБИЛ ЁРДАМ БЕРАДИ

Бош мия томирлари атеросклерозда жанбил дамламаси яхши ёрдам беради. Бир ош қошиқ қуруттилган жанбил кукунни устига 0,5 л. қайноқ сув куйилади ва бир соатдан сўнг у сузиб олинади. Дамлама ярим стакандан кунда уч маҳал ичилади. Муолажа 2 ой узлуксиз олиб борилади, сўнг 45 кун дам олиш, зарур бўлса, яна такрорлаш керак бўлади.

КЎПРОҚ ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Камҳаракатли ҳаёт кечирувчи гипертониклар одатдагидан кўпроқ ҳаракат қилсалар, уларда артериал қон босими сезиларли даражада пастлаши аниқланган. Шу сабабли бундай беморлар ҳафтасига бир неча марта 30-60 дақиқа давом этадиган жисмоний ҳаракат билан шуғулланиб турганлари маъқул. Бу юрак-томир касалликларига чалинишининг олдини олади.

АГАР БОШ ОҒРИСА...

Ортиқча чарқок ёки руҳий-ҳиссий тарангликдан оғриган бошининг давоси ялпиз чой ва меъёридан кўпроқ (бир кунда камида 7-8 соат) ухлашдир. Ялпиз организмдаги тортишиш (спазм)ни ҳар қандай "но-шла"дан яхшироқ ёзади. Агар бунга қўшимча равишда С витаминга бой махсулотлар ҳам истеъмол қилинса, организм жисмоний ва руҳий зўриқишларни осон ўтказишга ўрганади.

ЧИРОЙЛИ СОЧЛАР СИРИ

Сочингизни озиклантирганнингиздан сўнг иссиқ сувда ювманг, акс ҳолда у тўқилиб кетади. Агар сочларингизни озиклантирмоқчи бўлсангиз, аввал бошингизни энгил уқаланг, у бир оз қизигач, озиклантирувчи воситани суртинг ёки ниқоб тортинг. Ярим соатдан сўнг бошингизни ювинг ва квас ёки нимгатири сирка қўшилган сувда чайинг.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ: ЛИНЗА!

Агар кўзларингизга контакт линза ўрнатган бўлсангиз, уни куйидаги ҳолатларда қўзойнакка алмаштириб туринг: кучли иситма чиқарган шамоллаш вақтида, қаттиқ йўталга чалинганда, тумов бўлганда, мавсумий аллергия чоғларида ва антибиотиклар қабул қилаётган кунларда.

БУЙРАҚДАГИ ТОШНИ МАЙИЗ БИДАН МУРЧ ЕМИРАДИ

Қора мурч организмда пайдо бўлаётган тошини ҳар қандай турини парчалаб юборишга қодир деб ҳисобланади. Муолажа усули куйидагича: йирик майиз донасининг дананини чиқариб ташланг ва унинг ўрнига 1 дона қора мурч солинг. Мурчи майизни обдон чайнаб сўнг ютинг. Эртасига 2, индинига 3 дона... 10-кун 10 дона ушбу дориворни ютинг. Сўнг - ўн биринчи кундан бошлаб ҳар кун 1 данга камай-тиринг. Нихоят, 20-кун муолажа даври тугайди.

М.МУРОДОВА тайёрлади.



ЭРКАКЛАРНИНГ... НОЗИК МУАММОСИ

Тахририятга кўнгириқдан: Газетанинг 40-сонида эркаклар касаллигига оид маслаҳатлар берилганди. Менинг ҳам шу борада ўз дардим бор. Жиддий оғриқлар сезилгач, уролог шифокорга учрашгандим. Тегишурувлар натижасида менда простатит касаллиги аниқланди. Гарчи даволашни бошланган бўлса-да, мен хавотирга тушмаяман. Анча ўтиб кетган экан. Уни олдириқ билишим мумкинми? Шунингдек, бу касалликни халқона усулларда ҳам даволаша бўладими? Ойбек ТОЖИЕВ, Навоий вилояти.

Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олган яхши, деб бекорга айтишмаган. Бу айниқса простатит ва аденома касалликларига оиддир. Касалликка чалинмаслик учун жинсий аъзоларга тушган касаллик вирусларини ўз вақтида даволатиш шарт.

Ишлаш жараёнида, айниқса, совуқда узоқ вақт ўтирмаслик, қабзиятнинг олдини олиш ва пайдо бўлишига йўл қўймаслик керак. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиш, жинсий аъзоларни совуқ сув билан мунтазам ювиш фойдали. Шарқ халқлари эркакларни простатит касаллигининг олдини олиш учун куйидагича усулни қўллайдилар. Яъни, бир ойда бир марта, неча ёшда бўлишса шунча марта мо-якларини сиқиб уқалаш машқини бажаришади.

- ▶ Ётган ҳолда тиззани кўкракка босиб машқ қилиш;
- ▶ Оёқларни баланд кўтариб, қайчи шаклида уёқдан буюққа айлантириш;
- ▶ Велосипед ҳайдагандек ҳаракатлантириб, товонларни бир-бирига теккизиш;
- ▶ Бир стакан сув ёки наъматак шарбатидан ичиб, полга ётиб туриш, яъни, тортилиш машқларини бажариш;

- қошиқдан кунига уч мартадан овқатдан олдин ичишнинг фойдаси катта.
- ▶ Икки ошқошиқ қичитқи ўтининг уруғи устига, бир стакан узум виноси қуйилиб, паст оловда 5 минут қайнатилади. Уйкуга ётишдан олдин 0,25 стакан миқдорда истеъмол қилинади.
- ▶ Ҳар кун овқатдан кейин 30 томчидан сариқгул (сиреп-

Простата безларининг шамоллаб, яллиғланиши, яъни, простатит касаллиги, нафақат кексараётган, балки, ёш эркаклар орасида ҳам учрайди. Афсуски, кўп эркаклар бунга унча жиддий эътибор беришмайди. Нозик ва жиддий бу касаллик анча нохуш, бепуштли ва жинсий ожизлик каби асоратлари билан хавфлидир. Сурункали простатитни вақтида даволанмаса, кейинчалик простата безлари аденомаси касаллигига айланиши мумкин. Олимларнинг айтишича, бу дард 25-40 ёшдаги эркакларнинг қарийб, 50-80 фоизида учраб экан.

Простатит касаллиги аломатлари: Жиззакилик, уйку бузилиши беҳоллик, иш қобилиятининг пасайиши, чанқаш, оғиз қуриши, айниқса, чот соҳасининг кўп терлаши ва қичишиши бўлиб, бу белгиларни кўпчилик вақтида сезмаслиги мумкин. Олимлар эрлик бези яллиғланишининг 100 дан зиёд белгилари мавжудлигини таъкидлашган. Улар шартли тарзда бирламчи-асосий, иккиламчи-умумий ва учламчи-асоратланган турларга бўлинади. Кўпинча эркаклар тинч ва осойишта бўлган пайтида касаллик белги беради. Оғриқ асосан, моякларда, чот соҳаси ва белда сезилади.

Ақсарият ҳолларда простатит бод билан бирга кечганлиги боис, белдаги оғриқнинг тузалиши анча мушкул бўлади. Агар яллиғланиш жараёни уруғ дўмбоқчаси орқали пешоб чиқарув каналига ўтса, пешоб чоғида оғриқ кучаяди. Баъзан эрталаб пешоб йўлидан бирозгина лойқа ва оқшироқ ажралма келиши кузатилади.

Шамоллаш ўз вақтида даволанмаса простата безлари катталашиб, аденомага, кейинчалик хавфли шишларга (ракка) айланиши мумкин. 45 ёшдан кейин эркаклар албатта уролог кўригидан ўтиб туришлари зарур. Касалликдан изтиробга тушиб, яшириб

юриш эркаклар ҳаётига жиддий хавф келтириб чиқаради.

ПАРХЕЗ БИЛАН ДАВОЛАШ

Простатитни пархез билан даволаш мумкин. Лекин, гўш ва ачиқ маҳсулотлардан бошқа ҳамма нарсани истеъмол қилса бўлади. Тушлиқда бир бўлак гўшт ва балиқ ейиш мумкин. Кечкурун эса иложи борича гўштли таом емаслик керак. Озиқ-овқатлар орасида кўпроқ А дармондорили маҳсулотлар: сабзи, ёғ, қаймоқ, мевалардан эса кўпроқ шафтоли ва ўрик еса бўлади. В дармондориси хамиртуруш, жигар, тухум, сутда бўлса, ундирилган бугдой ва сули донида Е дармондориси кўп учрайди. Тушлиқда шивитнинг барглари ва илдииздан тайёрланган салат истеъмол қилган маъқул. Пиширилган, хом ва тузланган қарам, саримсоқпиез ҳамда пиез пархез маҳсулотлари ҳисобланади. 300 грамм сабзи шарбатига 80 грамм лавлага ёки бодринг шарбати қўшиб ичишнинг ҳам фойдаси катта.

Пархез озиқ-овқатлари простата безлари катталашганлигиде боис қийинлашадиган пешоб чиқариши меъёрга солишда ёрдам беради. Бу пархездан 1-2 кун фойдаланиш кифоя қилади.

КЕЧИҚТИРМАЙ ОЛДИНИ ОЛИНГ!

Касалликнинг келиб чиқишига ички руҳий кечинмалар сабаб бўлиши таъкидланмоқда. Маълум бўлишича, простатит эркакларнинг ўз кучларига ишонмасликлари туфайли ҳам пайдо бўлиши мумкин экан. Ута тушқунликка тушушнинг олдини олиш учун, эрталаб ва кечкурун куйидаги сўзларни қайтариш, кишига ўзига хос руҳий куч бағишларкан: "Мен ўзимни севаман ва ҳар бир қадамимни маъқуллаймаман. Ўзимга, кучимга ва эркаклик қувватимга ишонаман"

СПОРТ БИЛАН ШУГУЛЛАНИНГ!

Кичик тоз аъзоларида қон тўхтаб қолишининг олдини олиш, қон айланишини яхши йўлга қўйиш, бу хасталикнинг олдини олади. Бунинг учун ҳар кун куйидагича жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланиб туриш яхши натижа беради.



▶ Эрталаб уйғонган захоти, ётган ҳолда нафас олиш ва нафас чиқарганда гавдани бўшаштириш қон айланишини яхшилаб, танани ортиқча хил-тлардан тозалашга ёрдам беради.

▶ Юз, қўл, қорин, оёқ, товон ва бармоқларни соат миллари ҳаракати бўйича уқалаб чиқиш;

МЕН ҚўЛЛАГАН МУОЛАЖА!

Мен ўз вақтида шифокорга муурожаат қилган бўлсам-да, сурункали простатит касаллигидан анча пайтгача азият чекдим. Аввалда шифокор маслаҳатида кўра амал қилган ҳолда даволандим. Кейинчалик халқ табобатида бу касалтни қандай даволаш усулларини изладим.

Қовоқ уруғини асалга қўшиб истеъмол қила бошлагач аҳволим анча яхшиланишини сездим. Қовоқ уруғини оч қоринга ея олмайди-ганларнинг кундалик таомлари орасида лавлага бўлиши керак. Бундан ташқари дала-чой (зверобой), кийик ўт (чабрец), қичитқи ўт, крапива, отқулоқ (подорожник), мойчечак (ромашка) ўтларини яхшилаб аралаштирдим. Шу ўтлар аралашмасидан 100 граммни олиб устига 2 литр қайноқ сув қўйиб икки соатдан кейин сузиб олиб 15-20 минут давомида ванна қабул қиламан. Сувнинг иссиқлиги 37 - 38° бўлиши керак. Бу ваннани бир ҳафтада икки марта қабул қилиш кифоя.

Шу муолажаларни қўллаб, простатит касаллигидан батамом фориқ бўлдим.

Салимжон МИРЗАБЕКОВ, Тошкент вилояти, Зағиота тумани.

ГИЁҲЛАР ЁРДАМ БЕРАДИ

▶ Бир ош қошиқ майдаланган қармикиз«лопух» ўти устига 0,5 литр сув қуйиб, 10 минут қайнатилади. Сузиб олинган, 2-3 ошқошиқдан кунига 4 маҳал овқатдан олдин ичилса, яхши таъсир қилади.

▶ Икки ошқошиқ майдаланган наъматак меваси устига 0,5 литр қайноқ сув қуйилади. У 8 соат давомида илиқ жойда турган, 2 маҳал 0,5 стакандан овқатдан сўнг ичилади.

▶ Бир чой қошиқ арпабодийен (анис) уруғи устига бир стакан қайноқ сув қуйиб, совуганидан кейин бир ош-

қа шарбатидан ичишнинг шифоси бекиёсдир.

▶ Тенг миқдорда сабзи, пиез, отқулоқ, шивит уруғи аралаштирилиб бир ошқошиқига 0,5 литр қайноқ сув қуйилади. 10 минутдан кейин сузиб олинади. Ушбу аралашмани кундузи овқатланишдан 30 минут олдин 0,5 стакан миқдорда истеъмол қилинса, кечкурун эса иссиқ ўринда ётган ҳолда бир стакандан ичиш тавсия этилади.

▶ Бир ошқошиқ дўлана шарбати ва шунча асал, 3-4 қошиқ кефир, бир дона тухумнинг саригини яхшилаб аралаштириб бир йўла ҳаммасини ичиш даволашини тезлаштиради.

ТАБИИЙ ДАВОЛАНИШ УСУЛЛАРИ



▶ Ҳар кун кечаси унча катта бўлмаган бир дона пиез ейиш тавсия этилади.

▶ 300 грамм оқ пиез майдаланиб, устига 0,6 литр оқ вино, 100 грамм асал аралаштирилиб қоронғу жойда 10 кун давомида сақланади. Вақти-вақти билан чайқалади. Ҳар кун овқатланишдан олдин кунига уч маҳал, икки ош қошиқдан ейилади.

*Тўрт боғ шивит, 6 дона сабзи майда тўғралиб, сўнг истеъмол қилинади.

*Простата безлари катталаша бошлаганда қарам, шолғом барглари ва помидордан тайёрланган салатнинг фойдаси катта.

*400 грамм қулупнай, бир дона нок, битта банан, бир ошқошиқ хамиртуруш олинади. Нок билан қулупнайнинг шарбати сиқилади. Сўнг, ҳаммаси яхшилаб аралаштирилади. Кунига бир стакандан уч маҳал, овқатланишдан олдин истеъмол қилинади.



ГУЛБАШАҚАР тайёрлади

БАШОРАТЧИ БОЛАКАЙ

Дунёда ҳеч ким ўз невараси билан Августин исмли чол каби фахрланмаса керак. Нега дейсизми? Гап шундаки, бир куни чол уйига бир неча лоторея билетини кўтариб келди. Ўша пайтда невараси Петти икки ёшда эди. Петтини бобоси эркалатаётган пайтда гўдак стол устида турган лотореялардан бирини олиб, кўлини машина рулига ўхшатиб "би-би-би", деб овоз чиқарди. Августин кулиб кўя қолди ва бу ҳақда ўглига айтиб, уни ҳам қулдирди. Бирок орадан бир неча ҳафта ўтиб лоторея ўйналганида худди ўша билетга машина чиқади.

Кейинги сафар чол яна лоторея олиб келди ва стол устига қўйди. Шу пайт невараси келди-да, лотореяларни сочиб ташлади ва йўқ, деган маънода бош чайқади. Бобоси бунга парво қилмади, лекин ҳақиқатан ҳам ўша лотореяга ютук чиқмади. Лоторея ишқибози бўлган чол яна ўз бахтини синаб кўрди ва невараси олиб чўнтагига солиб қўйган лоторея билетига катта пул ютуғи ютиб олди. Шундан кейин қария бир синаб кўриш мақсадида лоторея сотиб олгани Петтини бирга олиб борди ва невараси битта билетни кўрсатса, яна машинага ўхшаб "сигнал" берди. Худди ўша билетга ютук чиқди. Петти беш ёшга етгунига қадар чол етти машина ютди, кўглаб пул тўплади. Невараси олти ёшга қадам кўйганида Августин вафот этди. Петнинг ноёб ҳислати ҳам гўё чол билан қабрга кўмилди. Чунки кейинчалик отаси бир неча бор лоторея ўйнасада, бирор марта ютмади.



УЗУК КАСАЛЛИКДАН АСРАЙДИ... (МИ?)



Ҳинд йиғитлар ота-боболари каби қимматбаҳо тошларнинг сеҳр кучига ишонишадди. Шунинг учун ҳам турли безак ва тақинчоқларни сотиб олишда ҳечам хасислик қилишмайди. Уларнинг ҳар бир бармоғида албатта узук бўлади. Урта бармоққа-сапфир, номсиз бармоққа ёқут, жимжилоққа зумрад кўзли узук тақиб керак эмиш. Хуллас, узук хасталиқдан асрашига ҳиндларнинг ишончи қомил. Мунажжам ва табиларнинг айтишича, зумрад тош ва жимжилоқ Меркурий сайёраси билан боғлиқ эмиш. Меркурий эркак вужудига ўзининг нохуш таъсирини ўтказиб, жинсий заифлик, диққинафас (астма) ёки сил касалликларини келтириб чиқарар экан. Жимжилоққа тақилган зумрад узук эса қадимнинг қувват марказларига ижобий таъсир қилиб, сайёранинг нохуш таъсири ва шунинг оқибатидан келиб чиқадиган хасталиқлардан сақлаб қолар эмиш. Бу гапларга ишониш-ишонмаслик ўзингизга ҳавола...

ОШҚОЗОНМИ ЁКИ...

Франциянинг Гренобл шаҳрилик Мишел Лотито илк бор темир ҳамда шишанинг таъмини татиб кўрганида 9 ёшда эди. У 1950 йилда таваллуд топган. Ушандан буён у темир, шиша синиги ва пластмасса чайнайди. Унинг ошқозони кунига 900 граммга яқин темир ёки шишани ҳазм қилишга қодир. 1966 йилдан бери у жами 10та велосипед, 7та телевизорни паққос туширди. Дўконда харид қилинган молларни ташиш учун мўлжалланган аравагани еб тугатишга эса сал кам беш кун сарфлади. Венесуэланинг пойтахти Каракас шаҳрида бир қанча гувоҳлар шохидлигида "Сессна" деб аталувчи енгил тайёрани қисмларга бўлиб ҳазм қилиб юборди. Ниҳоят, ҳазми таом қабилида катта бир тобутни ҳам еб юбордики, инсон инсон бўлиб бунақасини кўрмаган, эшитмаган. Бир тасаввур қилинг-а, одамзот тобут ичига эмас, тобут одамзот ичига тушган!..

ТЕГИРМОН

ГАПИРАДИГАН... ДАРАХТ

Севибли "Оила ва жамият" газетасида "Сўзлайдиган" қарга, хўроз, лайлак сингари жонзотлар ҳақида қизиқ маълумотлар чоп этилган эди. Буни қарангли, дарахтлар ҳам "гапирар" экан. Ҳар қалай баъзи тадқиқотчилар шундай хулосага келишди. Бунда баъзи дарахтлар курғоқчилик пайтида ўзидан тарқатадиган ультра-товуш тўлкинларини "сўзлашиш" деб тушунилса тўғри бўлади. Намлик етишмайдиган ўсимлик "Сув!" дегандай қичқиради. Минг афсуски, бу "ҳайқирик"лардан дастлаб дарахтларнинг дўстлари эмас, балки душманлари яъни пўстлоқхўр кўнгиллар хабар топади. Хашоратлар аввало ультратовуш тарқатиб "нолиётган", яъни курғоқчиликка энг чидамсиз дарахтни аниқлайди-да, унга ёпирилади. Бирок, хашаротшуносларнинг хулосаларига кўра, бу ҳолатдан ўрмонга қирон келтирувчиларга қарши курашда фойдаланиш мумкин эмиш. Агар шу хил ультратовушлар дарахтлар "сўзлайдиган" частотада тарқатилса, пўстлоқхўрларга қарши ўзига хос қопқоқ ҳосил бўлади.



ЮЗ МАРТА ЎЛИБ, ТИРИЛГАН

Маълумки, инсоннинг юраги ишламай қолса, тамом, у дунёга равона бўлади. Бирок, Саймон исмли кимса юраги тўхтаб қолганида ҳам яшаб турган. Яъни, ўликка ўхшамаса-да, бўлаётган воқеаларни сезиб ётган. Тана совуқ бўлса ҳам қимирлаётганини дастлаб хотини сезиб қолган. Ҳақиқатан, Саймоннинг юзлари учиб, кўл бармоқлари билинар-билинмас титраб кўярди. Шифокор ҳам умрида бундай ҳодисани кўрмаганди. Ўлган одамнинг танаси қимирлаб турса-я! Ажабо! Охири, мурдани яна бир кун сақлашга қарор қилишди. Эртасига эса Саймоннинг юраги ишлаб кетди. У ўзига келган, кеча бўлиб ўтган воқеаларни айтиб берди. Гувоҳлар ҳайрон лол қолишди. Бу ҳодиса сабабини 50-йиллар тиббиёти аниқлаб бера олмаган. Улиб тирилган одам қарийб 80 йил умр кўриб, уч марта уйланган. Тўртта фарзандли. Биринчи хотини билан 20 йил яшаб, бола кўрмаган. Кейингиси билан ҳам 22 йил яшаб, уч нафар ўғилли бўлган. Охири хотини қаранг чоғида унга қиз туғиб берган. Энг қизиги, узок умри давомида Саймон юз мартадан кўпроқ ўлиб тирилган.



САЁҲАТЧИ КАМПИРШО

Чеченистонда яшаган 111 ёшли Циппора Матаева Исроилга кўчиб келди. Исроил тарихида бундай ҳодиса биринчи бор юз бериши. Бирок, кампиршо ўзини қари деб ҳисобламайди. Сабаби, то ҳозиргача у уй юмушларини бажариб юраверади. Унинг айтишича, умрида бирор марта ҳам дори ичмаган.

ПЕЧКАЛИ ЭТИК

Балиқчиларнинг кўпчилиги сув ичида соатлаб туришадди, айниқса, гаввослар. Бу эса уларни бод (ревматизм) дардига гирифтор қилади. Яқинда эса Япониянинг "Нарит Мотоно" фирмаси ишлаб чиққан махсус резина этик балиқчилар жонига оро қиради. Жанубий Африка Республикасида чоп этиладиган "Стар" рўзномасида ёзилишича, этикнинг ичига махсус иситгич ўрнатилган бўлиб, у қуёш нуридан қувват олувчи батарея ёрдамида ишлаб экан.

ТЎРТТА ЎЛИМДАН ҚУТУЛДИ

Магнитогорск-Картали йўналиши бўйича қатнайдиغان электричка томга 26 ёшли ширакайф йиғитнинг бирдан чиққиси келиб қолди. Чикди ҳам. Аммо электричканинг дугаси уланган жойга келганда бечорани 27 минг вольтли ток шундай урдиди, у анча нарғани учиб тушди. Йиғитнинг бадани 20 фоиз куйган эди, уни дарҳол шифохонага ётқизилди. Аммо шифокорлар унинг омон қолганига ҳайрон бўлишди. Чунки АҚШда жиноятчини қатл этиш учун электр стулига бериладиган қувват бундан тўрт баробар кам-да!

ЖИНОЯТЧИ...

Сингапурда чоп этиладиган "Стрейтс таймс" газетаси ўз мухлисларини ғаройиб бир воқеадан воқиф этди. Мўъжазгина парранда фабрикасининг эгаси мистер Лим ўрдак боқарди. Бирок кўлдаги балиқлар кескин камайиб кетиши туфайли кейинги пайтда зарар кўрадиган бўлиб қолди. Корхона эгаси аввало ўрдакларни айбдор деб билди. Лекин, кўп вақт ўтмай паррандалар сони ҳам кескин камайиб бораётганини пайқайди. Мистер Лим атайлаб санаб чиқиб, ўрдаклар бир йилда қарийб икки мингтага камайиб кетганидан ваҳимага тушди. Паррандалар кечки овқатланариш пайтида йўқолаётгани ҳам жумбоқ эди. Ночор ахволда қолган Лим оила аъзолари билан биргаликда кўл ёнида пистирма курди. Ўғрини ушлашда қатнашганлар тўрға тушган "жиноятчи" бўйи олти метрли бўғма илон эканлигини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлашди. "Босқинчи"нинг тўдасида яна еттига газанда бор экан. Мистер Лим ва унинг ёрдамчилари барча "жиноятчилар"ни маҳаллий ҳайвонот боғига топширишга қарор қилишди.



ҚАНДАЙ ТОВУШ ЁҚИМСИЗ?

Буюк Брита-илмий жамиятларидан бири нохуш товушларнинг инсонга таъсирини текшириб чиқди. Маълум бўлишича, ўта ёмон таъсир этиб, руҳий-тимизни безовта қилувчи товуш - итнинг вовуллаши экан. Бундан кейингиси - болалар йиғлаши ва тунги тақир-туқурлар. Шуниси қизиқки, товуш кучи муаммони аниқлашда тўлиқ омил бўла олмади. Телевизорда кино бўлаётганида кишининг жаҳлини чиқариб юбориш учун қоғоз шитирлатишининггина ўзи кифоя экан. Пичир-пичир сўзлашиш ҳам худди шундай ҳолга олиб келади.

ОИЛА ТОТУВЛИГИ... КАМ ГАПЛИКДА

Америкалик руҳиятшунос (психолог) Бердуилнинг тадқиқотига кўра, эр-хотин бир кеча-кундузда 27 дақиқадан ортиқ гаплашмаслиги керак. Ана шундагина оила барқарор бўлар экан. Халқимизда "Кўп гап - эшакка юк", деб бежиз айтилмаганга ўхшайди. Қизик, олимпиа ташмагур бу илмий тажрибасини ўз бошидан ўтказганмикан?

М. МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият
Фойдаланилмаган кўлэмалар тахлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.
Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА
Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41
Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма-хонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00
Газета тахриратий компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси
ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1040. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16145
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Расом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Л. АХМЕДОВА
Мусахҳих — С. САЙДАЛИМОВ